

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС**

**ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

**“МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ” ФАКУЛЬТЕТИ**

**“САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ” КАФЕДРАСИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН” “ҲИМОЯГА ҚЎЙИЛДИ”**

“Машинасозлик технологияси” “Саноат ишлаб чиқаришни факультети  
декани ташкил этиш” кафедраси мудири  
М-А. ЭШОНОВ У. Мадраҳимов

\_\_\_\_\_

“\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2018 й.

\_\_\_\_\_

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018й.

“Иқтисодиёт” йўналиши, 4-курс, 111-14-гуруҳ талабаси  
Султонов Бобуржон Муҳаммадқодир ўғли

**Тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил  
этиш (“Намкорбанк” АТБ мисолида) мавзусидаги**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Андижон-2018 йил**

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**  
**“Машинасозлик технологияси” факультети,**  
**“Саноат ишлаб чиқариш ташкил этиш” кафедраси**  
**“Иқтисодиёт” йўналиши**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**“СИЧТЕ” кафедра**  
**мудири:**

**У. Мадрахимов**

\_\_\_\_\_

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2018 й.

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ**

Талаба: Султонов Бобир Муҳаммадқодир ўғли

***1. Битирув малакавий ишининг мавзуси: “Тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил этиш. 2017 йил 7 декабрдаги 4–сонли кафедра мажлисида маъқулланган.***

**2. Битирув ишни топшириш муддати “5” “июн” 2018 йил.**

**3. Битирув малакавий ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар:**

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, Президент фармонлари, мавзуга оид адабиёт ва ўқув қўлланмалар, илмий мақолалар ва “Hamkorbank” АТБ нинг уч йиллик ҳисобот ва маълумотлари.

**4. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқарилган масалалар рўйхати):**

1. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва уларни ташкил қилишнинг назарий ҳуқуқий асослари.

2. “Hamkorbank” АТБда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳолати таҳлили.

3. Тижорат банкларида пластик картичкаларни қўллаш билан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштириш тадбирлари.

4. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар такомиллаштиришнинг хориж тажрибаси

**5. Чизма ишлар рўйхати (номи аниқ кўрсатилади):**

1.3.1-расм. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари.

1.3.2-расм. Тўлов топшириқномалари бўйича ҳисоб-китоблардаги ҳужжатлар айланиши.

**6. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчилар.**

№	Бўлиммавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи Ф.И.Ш	Имзо, сана	
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1	Кириш	Х. Мўйдинов	18.01.2018	
2	Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва уларни ташкил қилишнинг назарий-ҳуқуқий асослари.	А. Эралиев	03.02.2018	
3	”Намкорбанк” АТБда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳолати таҳлили.	Д. Исроилова	09.03.2018	
4	”Намкорбанк” АТБда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштириш йўллари.	Х. Мўйдинов	10.04.2018	
5	Хулоса	Х. Мўйдинов	24.05.2018	

**7. Битирув малакавий ишини бажариш режаси.**

№	Битирув малакавий иши босқичларининг номи	Бажариш муддати (сана)	Текширувд анўтганлик белгиси
1	Тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисобкитобларнинг аҳамиятива объектив зарурлиги.	06.02.2018	
2	Ўзбекистонда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилишнинг ҳуқуқийасослари.	14.02.2018	
3	Тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакллари ва уларни расмийлаштириш.	10.03.2018	
4	Хамкорбанк АТБнинг вазифалари ва ташкилий тузилмасига тавсиф.	17.03.2018	
5	Тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб китобларни амалгаошириш тартиби ва ҳолати таҳлил	25.03.2018	
6	Тижорат банкларида пластик карточкаларнинг қўллаш билан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштириш тадбирлари	10.04.2018	

7	Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштиришнинг хориж тажрибалари.	16.04.2018	
---	---	------------	--

Битирув малакавий иши раҳбари: Х. Мўйдинов \_\_\_\_\_  
(имзо)

Топширикни бажаришга олдим: Б. Султонов \_\_\_\_\_  
(имзо)

Топширик берилган сана: «18» «январ» 2018 йил

<b>М У Н Д А Р И Ж А</b>	
<b>КИРИШ</b> .....	5
<b>И БОБ. НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ВА УЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ</b> .....	10
1.1. Тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг аҳамияти ва объектив зарурлиги.....	10
1.2. Ўзбекистонда нақд пулсиз ҳисоб – китобларни ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари.....	14
1.3. Тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакллари ва уларни расмийлаштириш.....	19
<b>ИИ БОБ. “НАМКОРБАНК” АТБДА НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ</b> .....	28
2.1. “Намкорбанк” АТБнинг вазифалари ва ташкилий тузилмасига тавсиф.....	28
2.2. “Намкорбанк” АТБнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.....	41
2.3. Тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби ва ҳолатининг таҳлили.....	45
<b>ИИИ-БОБ. “НАМКОРБАНК” АТБДА НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙУЛЛАРИ</b> .....	52
3.1. Тижорат банкларида пластик карточкаларнинг қўллаш билан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштириш тадбирлари.....	52
3.2. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштиришнинг хориж тажрибалари.....	61
<b>ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР</b> .....	70
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	75
<b>ИЛОВАЛАР</b> .....	79

## Кириш

**Битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги.** Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида республикамизда фаолият юритаётган банкларнинг роли кундан кунга тобора ортиб бормоқда. Чунки хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳеч бири банк хизматини четлаб ўтиб фаолият юрита олмайди, ўзаро ҳисоб-китобларини банк ёрдамисиз ўтказа олмайди. Шу сабабли банк тизимини мустахкамлаш, уларнинг эркинлигини ошириш йўлида ислоҳотларга давлат миқёсида катта эътибор бериб келинмоқда. Буни эса мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида дастуриламал бўлиб хизмат қилаётган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармонида белгилаб берилган устувор вазифалардан кўришимиз мумкин. Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида макроиқтисодий барқарорликни янада мустахкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг қуйидаги вазифалари белгилаб олинди, унда

-“банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашуви даражаси ва депозит базасини ошириш, уларни молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустахкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш”<sup>1</sup> вазифалари кўрсатилган.

Юқоридаги вазифаларни бажариш учун иқтисодиётнинг тўлов тизимида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ва қамровини ошириш, шу жумладан,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони.

иқтисодиётда тўловларнинг замонавий электрон шакллари жорий этиш ва тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш, шунингдек, банкдан ташқари айланишини қисқартириш лозим. Бунинг учун аҳолига муайян вақт давомида белгиланган лимит доирасида банк маблағларни ҳисобидан товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконини берувчи кредит карталарини муомалага киритиш; банк пластик карталари орқали ҳисоб рақамларга масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан (“СМС-банкнинг”, Интернет-банкнинг”, “Мобил-банкнинг”) фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш; банк пластик карталар орқали жисмоний шахсларни депозит ҳисоб рақамларини бошқариш имкониятириш; тўлов терминалларида фойдаланганлик учун ижара тўлови миқдорини икки мартага қисқартириш; пластик картадаги маблағларни бошқа картага ўтказиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун тарифларни камайтириш; валюта ва солиқ назоратини соддалаштиришни ўз ичига олган электрон тижоратни ривожлантиришни рағбатлантириш, пластик карталар бўйича ўзаро ҳисобкитоб қилиш тизимида олинмаган товар ва фойдаланилмаган хизмат учун тўловни қайтаришнинг тартиб- таомилларни ва технологияларини жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифалардан кўриш мумкинки нақд пулсиз ҳисоб-китоблар мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга. Чунки банк тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар нафақат банкларнинг, балки бутун иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашга асос бўлади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда банк-молия тизимини янада ривожлантириш мақсадида изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида пул муомаласини ислоҳ қилиш, тўлов тизимини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки, пул муомаласи банк тизимининг бамисоли қон томири бўлиб, ҳисоб-китобларнинг нақд ва нақдсиз шакли эса иқтисодиёт тармоқларининг мўътадил фаолият юритишида муҳим восита ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар давом этаётган бир вақтда, мулкчиликнинг турли шаклларида фаолият юритувчи хўжалик субъектлари ва бюджет ташкилотлари бевосита банклар хизматидан фойдаланмоқдалар. Бу хўжалик юритувчи субъектларга ва бюджет ташкилотларига кўрсатилаётган банк хизматларини яхшилаш, банклар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва уларни ривожланиши имкониятларини яратиш учун зарурат туғдирмоқда. Ушбу заруратдан келиб чиққан ҳолда банк соҳасини ривожлантириш борасида бир қанча тадбирлар амалга оширилди.

Республикамизда банклар фаолиятини ривожлантириш борасида амалга оширилган тадбирлар натижасида бугунги кунда тижорат банкларида миқдорларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини халқаро даражага етказиш учун ҳаракатлар ҳамда комплекс ислохотлар олиб борилмоқда. Шундай бўлсада, банкларда ҳисоб-китобларни юритишда айрим камчиликлар мавжуд.

Айниқса, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар банкларнинг жами пул айланишининг 80-90%ини ташкил қилаётган бир шароитда нақд пулсиз ҳисобкитоблар ҳисобини чуқурроқ ўрганиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш бўйича таклифлар бериш долзарб масала деб ҳисоблаймиз.

**Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари.** Банкларда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар турлари ва уларнинг ҳисобини ёритиш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш бўйича мавжуд имкониятларни аниқлаш ишининг асосий мақсади деб белгиланди. Бу мақсадга эришиш учун битирув малакавий ишимизни бажариш жараёнида олдимизга қуйидаги вазифалар қўйилди:

- **Банк тизимида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг моҳиятини ўрганиб чиқиш;**

- Банкларда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини кўриб чиқиш;

- “Намкорбанк” АТБ нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва уларни ташкил этиш

асосларини ўрганиб чиқиш;

- “Намкорбанк ” АТБ нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари ҳисобини кўриб чиқиш;

- “Намкорбанк ” АТБ томонидан миждларнинг банк ҳисобварақларидан

пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ҳисобини кўриб чиқиш;

- Тижорат банки томонидан миждларига банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тартиби билан танишиб чиқиш;

- Тижорат банклари миждлари томонидан пластик карталаридан фойдаланиши тартиби билан танишиб чиқиб хулоса ва таклифлар беришдан иборат.

**Битирув малакавий ишининг предмети.** Тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ҳисоби юритишда меъёрий ҳужжатларни ўрганиб чиқиш бўлиб, мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда миждларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш бўйича таклифлар беришдан иборат.

**Битирув малакавий ишининг объекти.** Чет эл капитали иштирокидаги “Намкорбанк” АТБдаги нақд пулсиз ҳисоб-китоб операциялари ишининг объектидир. Банк маълумотлари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими кўриб чиқилди.

**Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари** замонавий бухгалтерия ҳисобининг назарий қоидалари ташкил этади. Бу қоидаларни қўллашда Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари тўғрисида”ги Қонуни, бухгалтерия ҳисоби миллий андозарида акс этган

талабларга суянилган. Бухгалтерия ҳисоби юритилиши мазмуни ва шакллари мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва макроиқтисодий сиёсат билан бевосита боғлиқ. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий ислоҳотлар тамойиллари ишнинг назарий ва услубий асоси бўлиб, Ўзбекистон

Республикаси Қонунлари, Президент фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, ҳисоб сиёсати ва назоратига оид меъёрий ҳужжатлар, иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқот ишлари ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишинг тузилиши.** Битирув малакавий иш кириш, асосий қисмда учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат ҳолда тайёрланган.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, битирув малакавий ишнинг мақсади, вазифалари, объекти ва бошқалар баён этилган.

Асосий қисмнинг биринчи бобида банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш тизими ўрганилиб, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг моҳияти, банкларда унинг ташкилий асослари ёритилганлиги ва уларни ҳуқуқий асослари ҳамда шакллари кўрсатиб ўтилган.

Иккинчи бобда эса “Намкорбанк” АТБнинг вазифалари ва ташкилий тузилмасига тавсиф, унинг иқтисодий-молиявий кўрсаткичлари таҳлили ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни юритиш тартиби кўрсатиб ўтилган.

Битирув малакавий ишининг учинчи бобида тижорат банкларида томонидан пластик карталарни қўллаш орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштириш истиқболлари ва бу борада хориж тажрибаси кўрсатиб ўтилган.

Битирув малакавий ишининг якунида мавзу бўйича умумий хулосалар келтирилиб, амалий таклифлар ишлаб чиқилган. Изланишда адабиётлардан кенг фойдаланилган. Уларнинг рўйхати иш якунида келтирилган.

## **I БОБ. НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ВА УЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

### **1.1. Тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг аҳамияти ва объектив зарурлиги.**

Иқтисодиёт ривожланиши давомида кимдир маҳсулот ишлаб чиқаради, бошқалари уни сотиб олади, яна кимдир хизмат кўрсатади, бошқа бир томон бу хизматлардан фойдаланади. Бу жараён узлуксиз давом этади. Натижада олди-сотди муносабатлари юзага келади. Иқтисодиётдаги бундай муносабатлар асосан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ёрдамида ҳал этилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар деганда корхона ва ташкилотларнинг товар айирбошлаш, хизмат кўрсатиш ва товарсиз операциялар бўйича бир-бирига бўлган талаб ва мажбуриятларни нақд пул ишлатмасдан пул маблағларини бир ҳисобварақдан иккинчи ҳисобвараққа ўтказиш орқали амалга оширилиши тушунилади. Нақд пулсиз пул айланиши ялпи ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида содир бўладиган муносабатларни ўзида акс эттиришига кўра икки қисмга бўлинади:

1. Товар операциялари бўйича пул айланиши.
2. Молиявий мажбуриятлар бўйича пул айланиши.

Биринчи гуруҳга товарларни сотиш, хизматлар кўрсатиш ва капитал курилиш жараёнидаги ҳисоб-китобларни акс эттирувчи пул айланиши киради.

Иккинчи молиявий мажбуриятлар гуруҳига эса бюджетга тўловлар, яъни фойдадан тўланадиган солиқ, қўшилган қиймат солиғи ва бошқа маж-бурий тўловлар ҳамда бюджетдан ташқари фондлар, банк ссудаларининг қайтарилиши, кредит учун фоизларнинг тўланиши, суғурта компаниялари билан ҳисоб-китоблар киради.

Нақд пулсиз айланиш пулли муносабатлар иштирокчиларининг жойлашувига қараб бир шаҳар ичидаги ва шаҳарлараро пул айланишига бўлинади. Бир шаҳар ичидаги пул айланиши бир ҳисоб марказига қарашли банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар мажмуъини билдиради. Шаҳарлараро пул айланиши эса турли ҳисоб марказларига қарашли банклар ўртасида амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар йиғиндисидир. Лекин республикамизда банк тизимининг ривожланиши, “электрон тўловлар” тизимига ўтиш асосида ҳисоб-китобларнинг тезлиги ва сифатининг ошиши натижасида ҳисобкитобларда иштирок этувчи субъектларнинг жойлашувига қараб иккига бўлиш мақсадга мувофиқ бўлмай қолди. Чунки ҳисоб-китобларда қатнашувчи субъектлар қайси ҳудудда жойлашганидан қатъий назар, тўловлар бир неча соатда, ҳаттоки бир неча дақиқада ўтказилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил этишда бир қатор тамойилларга амал қилинади. Бу тамойиллар қуйидагилардир:

1. Ҳар бир хўжалик субъекти ўз пул маблағларини банкларда очилган депозит ҳисобварақларда сақлашлари лозим. Корхона ва ташкилотлар ўзаро ҳисоб-китобларини бевосита банкдаги ҳисобварақлар орқали амалга оширишлари шарт. Қайси банкда ҳисобварақ очишни мижозларнинг ўзлари мустақил танлайдилар.

2. Ҳисоб-китоблар тўловчининг розилиги билан ёки унинг

топшириғига асосан депозит ҳисобварақдаги маблағи ҳисобидан амалга оширилади. Корхона банк кредитидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлса, тўловлар банк кредити ҳисобидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

3. Ҳисоб-китоблар белгиланган тўловлар кетма-кетлиги асосида бажарилади.

4. Хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб-китоб шаклларини мустақил танлайдилар ва уни шартнома орқали мустаҳкамлаб қўйишлари лозим.

5. Товар етказиб берувчи корхона ҳисобварағига пул маблағ-лари мазкур маблағлар мол сотиб олувчи корхона ҳисобварағидан ўчирилгандан сўнг ўтказиб берилади.

6. Аввал пул тўланиши ёки товар жўнатилишини (хизмат кўрсатилиши) томонлар ўзаро келишув асосида амалга оширадилар, яъни аввал пул тўлаб, кейин товарни олиш мумкин, ёки аксинча, аввал товарни олиб, ундан сўнг унинг пулини тўлаш мумкин.

7. Тўловни кафолатлаш мақсадида етказиб берилиши лозим бўлган товар ёки кўрсатилиши лозим бўлган хизмат қийматининг 15 фоизи олдиндан тўлангандан сўнггина товарлар жўнатилади ёки хизматлар кўрсатилади.

8. Мижозлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар бўйича низоларга банк аралашмайди, низоларни уларнинг ўзлари ҳал қилишлари лозим, акс ҳолда низо-лар хўжалик судлари ёрдамида ҳал қилинади.

Ҳисоб-китобларни амалга оширишда юқорида санаб ўтилган тамойилларга амал қилинмас экан, бу ҳисоб-китоб муносабатларида қатнашувчи томонларнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётда юзага келадиган пулли муносабатларда пул шаклларидан фойдаланиш хусусиятлари ва тўлов усулларига кўра пул айланиши нақд пулсиз айланишга ва нақд пулли айланишга бўлинади. Чакана савдо ва аҳолиги пуллик

хизмат кўрсатиш асосан нақд пулда амалга оширилади. Бундан ташқари, нақд пулли айланишга коммунал хизматлар учун тўловлар, ишчи-хизматчиларга иш ҳақи ва шунга тенглаштирилган тўловларни тўлаш, сғурта ташкилотларига бадаллар тўлаш, уй-жой қурилиши ва бошқа мақсадлар учун аҳоли томонидан олинган кредитни нақд пул кўринишида қайтариш билан боғлиқ тўловларнинг тўланиши киради.

Ҳозирги даврда иқтисодиётда бўладиган пул айланишининг 80-90 фоизини нақдсиз пул айланиши ташкил этади. Нақдсиз пул айланиши нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари асосида олиб борилади. Нақд пулсиз ҳисоб китобларнинг кенг ишлатилишига кўп тармоғли банк тизимининг ривожланиши, давлат томонидан макроиқтисодий жараёнларни ўрганиш ва уни тартибга солиш нуқтаи-назаридан давлатнинг қизиқиши, мулкчилик шаклларининг кўпайиши ва турли мулкчилик муносабатларининг кенгайиб бориши асос бўлади. Иқтисодиётда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар маълум тизим асосида олиб борилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими ўз ичига ҳисобкитобларни ташкил қилиш тамойиллари, шакллари, усуллари ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш олдида қўйилган талабларни олади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисобкитоблар “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида” 2002 йил 12 январдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган Низом ва унга киритилган ўзгаришлар асосида олиб борилади.

“Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида”ги Низом Фуқаролик кодекси, “Марказий банк тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси корхоналари тўғрисида”ги қонунлар ва Марказий банкнинг Ўзбекистон ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни тартибга солувчи бошқа

меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган. Лекин ҳозирга қадар ушбу Низомга бир неча марта қўшимча ва ўзгаришлар киритилган.

Мулкчилик шакллариининг хилма-хиллиги шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти товар-пул муносабатлари ривожланиш шароитларида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қоидалари хўжалик органлари томонидан ҳисоб-китоб шакллари эркин танлаш тамойилларидан келиб чиқади ва улар шартномаларда мустаҳкамланади. Хўжалик идораларининг шартномавий муносабатларига банк аралашмайди.

Тўловчи ва маблағ олувчи орасидаги ҳисоб-китоблар шакли шартнома асосида белгиланади. Ҳисоб-китоб шакллари деганда ҳуқуқий меъёрларда кўзда тутилган, ҳисоб-китоб ҳужжатининг тури, ҳужжатлар айланиш тартиби, маблағларни мол сотувчи корхона ҳисобварағига ўтказиш ва ёзиш усули билан бир-биридан фарқ қилувчи ҳисоб-китоб турлари тушунилади.

## **1.2. Ўзбекистонда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари.**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Электрон тўловлар тўғрисида”, “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунларига, шунингдек тизим аҳамиятидаги тўлов тизимларини тузишнинг умумқабул қилинган халқаро тамойилларига асосан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар асосида банклараро электрон тўловларни амалга ошириш тартиби ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалга ошириш тартиби “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва

банк фаолияти тўғрисида”ги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисобкитобларни ўтказиш тартибини белгилайди. Ушбу тартиб нақд пулсиз ҳисобкитобларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларга - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентларига тадбиқ қилинади. Тўловчи ва маблағларни олувчи ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг аниқ шакли мустақил равишда шартнома (битим)га мувофиқ белгиланади.

Банк ҳисобварағи шартномасида бошқа муддатлар белгилаб қўйилган бўлмаса, банк пул маблағларини, тегишли тўлов ҳужжати банкка келиб тушган кунда, агар у банкнинг операция куни мобайнида тушган бўлса, мижознинг ҳисобварағига киритиб қўйиши ёки унинг ҳисобварағидан ўтказиб бериши шарт.

Тўлов ҳужжати операция куни тугаганидан кейин тушган тақдирда, банк тўловни кейинги иш кунидан кечиктирмай амалга ошириши шарт. Ҳисобкитоблар бўйича тўловчи ва маблағларни олувчи ўртасидаги ўзаро даъволар қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банклараро ҳисоб-китоблар тижорат банкларининг Марказий банк Ҳисоб-китоблар марказида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали электрон тўловлар тизими бўйича миллий валютада амалга оширилади. Банкларда ҳисоб-китоблар бўйича электрон ҳужжат айланмаси “Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, ташкил қилинади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар банкдаги ҳисоб рақамлар орқали банк ичида, бош банкда очилган филиалларнинг транзит ҳисоб-рақамлари ҳамда банклараро ўрнатилган вакиллик муносабатлари асосида амал қилади.

Банклараро тўлов тизими орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда қуйидаги талабларга риоя этилади:

- а) Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича маблағларни тезкорлик билан ўтказишни таъминлаш;
- б) узатилаётган электрон тўлов ҳужжатларини рухсатсиз киришдан ҳимоя қилиш;
- в) электрон тўловларни тартибга солувчи қонунлар ва қоидаларга риоя қилиш.

Банклараро тўлов тизими қуйидаги тамойиллар асосида ишлайди:

- а) электрон тўлов ҳужжатини бирор белги бўйича қайта ишлаш устуворликлари йўқлиги ҳамда тизимда иштирок этиш учун адолатли ва ошқора рухсат;
- б) фойдаланувчилар нуқтаи назаридан қулайлилиги ва электрон тўловни амалга ошириш воситаларининг иқтисодий самарадорлиги;
- в) ҳисоб-китоблар бўйича аниқ мажбуриятлар тизимини бошқариш самарадорлиги;
- г) ташаббускор банк томонидан электрон тўловларни бошлаш;
- д) банкларнинг Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар марказидаги вакиллик ҳисобварақлари ҳамда банкларда уларга тегишли ҳисоб варақлардаги айланмалар ва қолдиқлар мос келганда электрон тўловларни амалга ошириш;
- е) бошланган электрон тўловни бекор қилиш имконияти йўқлиги;
- ж) юқори даражадаги хавфсизлиги, тезкорлиги ва ишончлилиги;
- з) ташаббускор банкнинг электрон рақамли имзоси билан электрон тўлов ҳужжати тасдиқлангандан бошлаб электрон тўловнинг чақириб олинмаслиги ва маблағлар бенефициар банк вакиллик ҳисобварағига ўтказилгандан бошлаб электрон тўловнинг якунийлиги;

и) тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақларида маблағлар вақтинчалик етарли бўлмаганида, бошланган электрон тўловларни ўз вақтида яқунлаш ва кун давомида тизимнинг ликвидлигини қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва банк ўртасида тузилган алоҳида шартнома асосида зарур бўлган маблағларни етказиб бериш имконияти;


к) электрон тўлов хужжати аламушувини қабул қилиш – назорат – узатиш технологик даврлар кўринишида ташкил этиш;

л) жисмоний шахсларга берилган тижорат банкларининг ҳисоб-китоб чеклари бўйича электрон тўловлардан ташқари, электрон тўловларнинг суммаси миқдори учун қўйиладиган чеклашларнинг йўқлиги. Банклараро тўлов тизимининг фойдаланувчилари Марказий банкнинг ҳисоб китоб марказида вакиллик ҳисобварағига эга бўлган банклар ва молиявий институтлар ҳисобланади.

Банклараро тўлов тизимининг иштирокчилари ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ва хизмат кўрсатиш учун фойдаланувчи банкларнинг Марказий Банк ҳисоб китоб маркази билан, банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловлар ўтказиш учун эса – Ахборотлаштириш Бош маркази билан тузилган икки томонлама шартнома асосида тартибга солинади. Банклараро тўловларни Ўзбекистон

Республикаси Марказий банкининг Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти назорат қилади.

Банкнинг ички тўлов тизимини ташкил қилиш “Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ бериладиган лицензия асосида амалга оширилади. Чакана тўловлар тизимларини ташкил қилувчи, бошқа тўлов ташкилотлари-резидентлар қонунчиликка мувофиқ



1.2.1-расм. Электрон тўлов ҳужжатларининг ўтиши.  
рўйхатдан ўтишлар керак.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни янада рағбатлантириш, пластик карточкаларга, терминалларга ва тегишли

ускуналарга бўлган талаб-эҳтиёжларни қондириш, шунингдек, пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини камайтириш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Республикада банк пластик карточкалари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2751-сонли ҳамда “2017 йил 5 февралдаги “Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2777-сонли қарорлари банк соҳасининг нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ислоҳ қилиш жараёнида дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бозор иқтисодиёти шароитида миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири – пул айланишини тўғри ва аниқ ташкил қилишдан иборат, чунки бозор иқтисодиёти товар-пул муносабатларининг ҳолати ва тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир.

### **1.3. Тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакллари ва уларни расмийлаштириш.**


Иқтисодиётда юзага келадиган пулли муносабатларда пул шаклларида фойдаланиш хусусиятлари ва тўлов усулларига кўра пул айланиши нақд пулсиз айланишга ва нақд пулли айланишга бўлинади. Чакана савдо ва аҳолиги пуллик хизмат кўрсатиш асосан нақд пулда амалга оширилади. Бундан ташқари, нақд пулли айланишга коммунал хизматлар учун тўловлар, ишчи-хизматчиларга иш ҳақи ва шунга тенглаштирилган тўловларни тўлаш, сғурта ташкилотларига бадаллар тўлаш, уй-жой қурилиши ва бошқа мақсадлар учун аҳоли томонидан олинган кредитни нақд пул кўринишида қайтариш билан боғлиқ тўловларнинг тўланиши киради.

Иқтисодиётда бўладиган пул айланишининг 80-90 фоизини нақдсиз пул айланиши ташкил этади. Нақдсиз пул айланиши нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари асосида олиб борилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг кенг ишлатилишига кўп тармоғли банк тизимининг ривожланиши, давлат томонидан макроиқтисодий жараёнларни ўрганиш ва уни тартибга солиш нуктаи-назаридан давлатнинг қизиқиши, мулкчилик шаклларининг кўпайиши ва турли мулкчилик муносабатларининг кенгайиб бориши асос бўлади. Иқтисодиётда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар маълум тизим асосида олиб борилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими ўз ичига ҳисоб-китобларни ташкил қилиш тамойиллари, шакллари, усуллари ҳамда нақд пулсиз ҳисобкитобларни ташкил қилиш олдида қўйилган талабларни олади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бир неча шаклларда олиб борилади ва бу шакллар вақт ўтиши билан ўзгариб бориши мумкин. Ҳозирги кунда республикада нақд пулсиз ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган ва ҳалқаро амалиётда қабул қилинган шаклларда ташкил этилади. Ҳисоб-китоб шакллари дейилганда ҳуқуқий меъёрларда кўзда

тутилган, пул маблағларининг маҳсулот етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларнинг ҳисобварағига ёзиш усули, ҳисобкитоб ҳужжатининг тури ва ҳужжатлар айланиши тартиби билан фарқ қилувчи ҳисоб-китоб турлари тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда қуйидаги тўлов ҳужжатларидан фойдаланилади:



### 1.3.1-расм. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари.


Банклар мемориал ордерлардан фуқароларнинг, олиб бораётган тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, ёзма топшириқномалари бўйича нақд пулсиз пул маблағларини ўтказишни амалга оширишда фойдаланишлари мумкин. Тижорат банклари ўз операцион харажатларини нақд пулсиз тартибда амалга ошираётганда мемориал ордер тузилади.

Банк иш куни яқунланиб, баланс ҳисоботи тузилиб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига жўнатилганидан сўнг, хато ёзувлар

аниқланган ҳолларда, ушбу хато ёзувлар киритилган ҳисобварақларга эртаси банк иш куни тескари бухгалтерия ёзувлари киритиш (сторно бериш) йўли билан, тузатиш мемориал ордерлари асосида тўғриланиши лозим. Бундай ҳолларда ҳисобварақлардан суммалар миқдорларнинг розилигисиз ҳисобдан чиқарилади. Бу ҳақда банк билан миқдор ўртасида тузилган шартномада кўрсатиб ўтилган бўлиши шарт.

Тўлов топшириқномаси — миқдорнинг унга хизмат кўрсатувчи банкка ўз ҳисобварағидан олувчининг ҳисобварағига маълум бир суммани ўтказиш тўғрисидаги топшириғини англатади.

Тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар бўйича ҳужжатлар айланишини қуйидаги расм орқали кўриш мумкин:



**1.3.2-расм. Тўлов топшириқномалари бўйича ҳисоб-китоблардаги ҳужжатлар айланиши.**

Юқорида келтирилган расмга қуйидагича тавсиф берамиз:

1. Энг аввало мол жўнатувчи ва мол олувчи корхоналар ўртасида ҳўжалик шартномаси тузилади.
2. Шартномага асосан мол жўнатувчи корхона мол олувчи корхонага маҳсулот жўнатади.

3. Мол олувчи корхона олган маҳсулотга пул ўтказиш учун тўлов топшириғи расмийлаштириб ўзига хизмат кўрсатувчи банкка топширади.

4. Банк ходими томонидан тўлов топшириқи асосида мол олувчи корхона ҳисобварағидан пул чегирилади.

5. Ҳисоб-китоб маркази орқали электрон тўлов мол сотувчи корхона банкига жўнатилади.

6. Келиб тушган электрон тўлов мол сотувчи корхона банкида мол сотувчи корхона ҳисобварағига ўтказилади.

7. Электрон тўлов топшириқининг бир нусхаси тўланган ҳужжатлар сифатида мол сотувчи корхонага берилади.

Ҳозирги кунда республикамизда банклар орқали ўтказилаётган барча тўловларнинг 45-50 фоизи тўлов топшириқномалари ёрдамида амалга оширилмоқда, бу унинг афзалликлари билан боғлиқдир. Бу афзалликлар қуйидагилардан иборатдир:

-биринчидан, ҳужжатлар айланишининг оддийлиги ва тезлиги, яъни ҳисоб- китобларни амалга оширишнинг техник жихатдан қулайлиги. Бу эса ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектлар ва банк ходимларининг меҳнат сарфини камайтиради;

-иккинчидан, пул маблағлари ҳаракатининг тезлиги, яъни тўлов талабномасига нисбатан тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китобларда ҳужжатларнинг айланиши ҳаракати қисқалиги сўзсиз хўжалик оборот маблағларининг айланиш тезлигини оширади;


-учинчидан, товар сотиб олувчининг қабул қилган товарлари ёки хизматлар сифатини олдиндан аниқлаб олиниши. ҳисоб-китобларнинг бу шаклида тўлов талабномаси орқали ҳисоб-китобларда бўлган каби банкка раддия аризаси топширилмайди, чунки тўловчининг ўзи туловни тўлашга рози бўлса, топшириқномани банкка топширади;

-тўртинчидан, тўлов топшириқномасининг барча товарсиз операцияларда қўлланиши, бу эса ушбу шакл бўйича ҳисоб-китобларнинг аҳамиятини янада яққол акс эттиради.

Тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг афзалликлари билан бир қаторда камчиликлари ҳам мавжуд. Камчиликлар шундан иборатки, мол жўнатувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона учун тўловнинг ўз вақтида ўтказилиши тўла кафолатланмаган. Чунки тўловнинг ўз вақтида ўтказилиши тўловчи корхонанинг депозит ҳисоб варағидаги маблағлар миқдорига боғлиқ. Тўловнинг тўлиқ ўтказилишига етарли пул маблағларининг бўлмаслиги пул айланиши секинлаштиради ва маҳсулот жўнатувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхонанинг молиявий ҳолатини ёмонлаштиради.

Тўлов талабномаси — ўзида маблағ олувчини тўловчи томонидан банк орқали маълум бир суммани тўлаш тўғрисидаги талаби акс эттирилган пулҳисоб-китоб ҳужжатидир.

Тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китоблар умумлашган ҳолда қандай амалга оширилишини тўлов талабномалари бўйича ҳисобкитобларнинг ҳужжатлар айланиши схемаси орқали яққол кўриш мумкин.



1

**1.3.3-расм. Тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китоблардаги ҳужжатлар айланиши.**

1. Маҳсулот жўнатувчи корхона билан маҳсулот олувчи корхона ўртасида хўжалик шартномаси тузилади.
2. Маҳсулот жўнатувчи корхона маҳсулот олувчи корхонага товар жўнатади.
3. Маҳсулот жўнатувчи корхона ўзига хизмат кўрсатувчи банк бўлимига тўлов талабномаси ва товар-транспорт ҳужжатларини тақдим қилади.
4. Маҳсулот жўнатувчи корхона банки маҳсулот олувчи корхона банкига почта ёки курьерлар орқали ҳужжатларни жўнатади.
5. Маҳсулот олувчи корхона банки келиб тушган тўлов талабномасини акцептлаш учун маҳсулот олувчи корхонага беради.
6. Корхона ўз банкига акцептланган талабномани тақдим этади.
7. Маҳсулот олувчи корхона банки талабномада кўрсатилган суммани тўловчи корхона ҳисоб варағидан чегириб, талабнома бўйича тўловни амалга оширади.
8. Маҳсулот олувчи корхона банки ҳисоб Марказига тўланган электрон тўлов талабномасини модем орқали жўнатади.
9. Ҳисоб Маркази электрон тўлов тизими орқали тўланган талабномани маҳсулот сотувчи корхона банкига ўтказди.
10. Маҳсулот сотувчи корхона банки талабнома суммасини маҳсулот сотувчи корхонанинг ҳисобварағига ўтказди.
11. Тўловнинг келиб тушганлигини хабар қилиш учун компьютерда чиқарилган электрон тўлов талабномасининг иккинчи нусхасини ҳисобварақдан кўчирма билан биргаликда маҳсулот сотувчи корхонага топширади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг бошқа шакллари каби тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китоблар ҳам маълум бир афзаллик ва камчиликларга эга. Тўлов талабномалари билан ҳисоб-китобларнинг афзалликлари куйидагилардан иборат:

1) Маҳсулот сотувчи билан маҳсулот оловчи томонлар бир-бирини ўзаро назорат қилишга кулай.

2) Маҳсулот оловчига товарни жўнатиш кечиктирилмайди.

3) Мол жўнатувчи билан ҳисоб-китоб қилиш учун маҳсулот оловчининг маблағини алоҳида ҳисобварақда депонент қилиб қўйиш талаб этилмайди, яъни тўловчининг маблағлари бирор муддатга оборотдан ташқарига чиқиб кетмайди.

4) Тўловчига тақдим этилган ҳужжатлар асосида мол етказиб берувчининг шартнома шартлари .ай даражада бажарилишини текшириш ҳуқуқи берилади, шу билан бирга шартнома шартларидан бири бузилган ҳолда тўлов тўлашдан бош тортиш ҳуқуқига эга бўлади.

5) Мол оловчи ҳисоб варағидан акцепциз талабномалар бўйича маблағларнинг мажбурий олинishi маҳсулот етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатган томон манфаатларига мос келади.

Тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг камчиликлари куйидагилар:


1. Маҳсулот сотувчи корхонага тўловнинг ўз вақтида ўтказилиши кафолатланмайди.

2. Тўлов ўтказилиши билан товар жўнатилиши вақтининг бир-бирига мос келмаслиги.

3. Тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китобларда ҳужжатлар айланиши тўлов топшириқига нисбатан узокроқ давом этади.

Умуман, тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг ишлатилиши кўп ҳолларда - 2-картотекадан ўз вақтида тўланмаган тўлов талабномаларнинг кўпайишига шароит яратади, чунки талабнома банкка тўлов учун келиб тушган вақтда тўловчининг ҳисобварағидан қар доим ҳам тўловни амалга ошириш учун етарли пул маблағлари бўлмайди. Картотекага қўйилган ҳар бир тўлов талабномаси республика халқ хўжалиги дебеторлик ва кредиторлик қарзларининг ошганлигидан далолат беради. Шу сабабли, республика банклари ўз мижозларининг картотекадаги ҳужжатлари ва уларни тўлаш бўйича қандай ишлар олиб борилаётганини назорат қилиб турадилар.

Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли тўлов оборотида жуда кам улушни ташкил этади. Аккредитив-мижознинг топшириқига кўра шартнома бўйича унинг контрогенти фойдасига берилаётган банкининг шартли пул мажбуриятидир. Унга кўра аккредитив очган банк маҳсулот етказиб берувчига тўловни бажариши ёки бошқа банклар томонидан аккредитивда кўзда тутилган ҳужжатлар тақдим қилинганда ва аккредитивнинг бошқа шартлари бажарилганда уларга бу тўловларни бажариш учун ваколат бериши мумкин. Аккредитив сўзининг ўзи латин тилидан олинган бўлиб, «ишончли» деган маънони билдиради. Аккредитив бўйича ҳисоб-китоб операцияларниқуйидаги схема орқали ифодалаймиз.



**1.3.4-расм.Аккредитив орқали ҳисоб-китобларда ҳужжатлар айланиши**

1. Маҳсулот етказувчи ва маҳсулот олувчи ўртасида хўжалик шартномаси тузилади.
2. Маҳсулот олувчи ўз банкига аккредитив очиш ҳақида ариза тақдим этади.
3. Маҳсулот олувчи корхона банки аризага асосан маҳсулот олувчи корхона ҳисоб варағидан тўлов ўтказди.
4. Аккредитив очиш ҳақида электрон ариза ҳисоб Марказига «Электрон почта» орқали ўтказилади.
5. ҳисоб Маркази электрон тўлов тизими орқали маҳсулот олувчи корхона банкининг вакиллик ҳисоб варағидан пул маблағларини маҳсулот сотувчи корхона банкининг вакиллик ҳисоб варағига пул ўтказди.
6. Келиб тушган маблағлар мижозларнинг аккредитивлар бўйича ҳисоб варағида депонентлаштирилади.
7. Аккредитив очилгани ҳақида маҳсулот етказувчига хабар беради.
8. Мол сотувчи мол олувчи корхонага товар жўнатади.
9. Маҳсулот етказувчи маҳсулот жўнатилганлиги ҳақидаги ҳужжатларни банкка тақдим этади.
10. Банк депонентланган суммани маҳсулот ҳисоб варағига ўтказди ва аккредитивни ёпади.
11. Бажарувчи банк аккредитивни ёпилганлиги ҳақида эмитент банка хабар беради.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклининг ўз афзаллиги, шу билан биргаликда, бир қатор камчиликлари мавжуд. Аккредитив шакли бўйича ҳисоб-китоб қилишнинг афзаллик томони шундаки, махсулот етказиб берувчи учун тўлов тўлиқ кафолатланган бўлади. Аккредитив шаклининг камчиликлари эса қуйидагилардан иборат:

-аккредитив шакли бўйича ҳужжатлар айланиши техник жиҳатдан бирмунча қийинроқ;

-транспортга қулай эмас, аккредитив очилган пайтда юкни жўнатиш учун тайёр транспорт бўлмаслиги мумкин, бу эса юк жўнатишни кечикишига олиб келади;

-бу шаклда тўловчининг маблағлари оборотдан қисман четлашади, бошқа ҳисоб-китоблар учун бу маблағлардан фойдаланишга рухсат этилмайди;

-аккредитив бўйича одатда фақат бир мол етказиб берувчи билан ҳисобкитоб қилинади.

Корхоналар ўзларига қулай бўлган ҳисоб-китоб шаклини эркин танлайдилар ва уни ўзаро шартномада мустаҳкамлаб қўядилар.

## **II БОБ. “НАМКОРБАНК” АТБДА НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ**

### **2.1. “Намкорбанк” АТБнинг вазифалари ва ташкилий тузилмасига тавсиф**

“Намкорбанк” акционерлик тижорат банки 1991 йил 1 сентябрда “Андижонбанк” АТБ номи билан ўз фаолиятини бошлаган. Акциядорлар умумий йиғилишининг 2000 йил 13 майдаги қарорига асосан Банк номи “Намкорбанк” акциядорлик тижорат банки номига ўзгартирилган бўлиб,

акциядорлик жамияти шаклида чекланмаган муддатга фаолият юрита ошлаган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (кейинги ўринларда “Марказий банк”) томонидан 2000 йил 24 июлда 64-сон билан рўйхатга олинган.

Банк ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва ўз Уставига амал қилади, уларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳамда ўз фаолиятига оид масалалар юзасидан ички меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади.

**Банк Марказий банк томонидан бериладиган лицензия асосида банк фаолияти деб номланадиган қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:**

- юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш;
- қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш;
- тўловларни амалга ошириш.

Банкни ташкил қилишдан мақсад, банк фаолиятини амалга ошириш, шунингдек фойда олиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк фаолиятига доир хизматлар кўрсатиш, шу билан бирга ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларини шакллантириш ва чуқурлаштириш ҳамда барқарор молия- кредит тизимини барпо қилиш ҳисобланади.

Банк қонун ҳужжатларига мувофиқ акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

**Банк ўз фаолиятида қуйидаги операцияларни амалга оширади:**

- жисмоний ва юридик шахсларнинг шу жумладан, вакил банкларнинг

- ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;
- омонатларни жалб этиш;
- кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш;
- маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;
- пул маблағларини, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш; □ учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;
- учунчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;
- қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, миждоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;
- банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизматини кўрсатиш;
- жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш;
- молиявий лизингни амалга ошириш;
- учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш; Марказий Банкнинг чет эл валютаси билан ишлаш бўйича лицензияси мавжуд бўлган тақдирда:

- очик валюта мавқеи лимити доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шу жумладан хосила молиявий воситалар, ваколатли банклар ва ўз миждозлари билан, валюта биржалари орқали, шунингдек, халқаро бозорларида чет эл валютасини харид қилиш ва сотиш бўйича операцияларини амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси банклари ҳамда бошқа чет эл банкларида вакиллик ва бошқа ҳисобварақларига эга бўлиш;
- нақд чет эл валютасини, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларини жисмоний шахсларга сотиш ва улардан харид қилиш бўйича операцияларни ўтказиш учун айрибошлаш шохобчаларини (бўлинмаларини) очиш; **Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:**
- қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, банк операциялари бўйича фоиз ставкалари ва воситачилик ҳақи, хизматлар учун комиссия тўловлари миқдорини мустақил белгилаш ва олиш;
- Марказий банкнинг Ҳисоб-китоб маркази ва бошқа ваколатли резидент банкларда вакиллик ҳисобварақларини очиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- барча солиқ ва мажбурий тўловларни тўлагандан кейин банк ихтиёрида қолган соф фойда ҳисобидан захира ва фондларни ташкил қилиш;
- шартнома асосида бошқа банклардан депозит ва кредит шаклида маблағларни жалб қилиш ва жойлаштириш;
- миждозлардан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашни қонун ва шартномага асосан белгиланган тартибда талаб қилиш;
- кредитланаётган корхона ва ташкилотлардан ҳисоботлар, баланслар ва уларнинг тўлов қобилиятини, шунингдек берилаётган ва берилган кредитлар таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш;

- тўлов мажбуриятларини бажармаганлиги сабабли қонунчиликда белгиланган ҳолатларда корхона ва ташкилотларни банкрот деб эътироф этиш бўйича судга мурожаат қилиш;
- қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ва ваколатхоналар ташкил қилиш, шунингдек, Марказий Банк рухсати билан хорижда шўъба банклар, филиаллар ва ваколатхоналар очиш;
- банк фаолиятини мувофиқлаштириш, манфаатларни ҳимоя қилиш учун уюшмалар, ассоциациялар ва бошқа бирлашмаларда иштирок этиши ҳамда қўшма дастурларни амалга ошириш;
- банк ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори, шакли, тизими ва тартибини мустақил белгилаш;
- узининг молиявий хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия ва кўзда тутилган бошқа операция ва ҳаракатларни амалга ошириш.

**Банк қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:**

- пул маблағлари захирасини ташкил қилиш бўйича Марказий банк талабларини бажаради ва ўрнатилган иқтисодий меъёрларга риоя қилади;
- Марказий банк томонидан ўрнатилган миқдор ва тартибда банк активлари бўйича эҳтимолий йўқотишлар бўйича зарарни қоплаш захирасини ташкил қилади;
- Марказий банкнинг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ғазна ижроси бўйича операцияларни бажаради;
- берилаётган кредитлар таъминоти бўйича гаровнинг етарлилигини (шу жумладан, мулк кўринишидаги гаровни), шунингдек бериладиган

кафолатлар, ишончномалар ва мажбуриятномаларни ҳисобга олувчи ички меъёрий тартибни белгилайди;

- ўз фаолиятига тааллуқли бўлган ахборотларни Ўзбекистон Республикаси
- қонунчилиги ва Марказий Банк томонидан ўрнатилган тартибда ошкор қилади;
- банкда ички аудит хизматини бўлишини таъминлайди;
- ўз мижозлари ҳамда вакил банкларнинг омонатлари, ҳисобварақлари операциялари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда махфийликни таъминлайди;
- амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

### **Банк устав капитали ва ўз маблағлари**

- Банкнинг устав капитали миқдори, банк томонидан 440 000 000 (Тўрт юз қирқ миллион) донга жойлаштирилган ҳар бир акциянинг номинал қиймати 138 (Бир юз ўттиз саккиз) сўм бўлган банк акцияларидан иборат бўлиб, 60 720 000 000 (Олтмиш миллиард етти юз йигирма миллион) сўмни ташкил қилади.
- Банк соф фойдасидан мажбурий ажратмалар ҳисобига устав капиталининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда банк захира фондини ташкил қилади. Ҳар йилги ажратмалар, юқорида кўрсатилган 15 фоиз миқдорига етгунга қадар, соф фойданинг 5 фоизидан кам бўлмаслиги керак. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, банкнинг захира фонди банкнинг зарарлари урнини қоплаш, банкнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва банкнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Банкнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

**Банкнинг жойлаштирилган акцияларининг сони 440 000 000 (Тўрт юз қирқ миллион) дона бўлиб, шундан:**

- Эгасининг номи ёзилган, оддий, ҳужжациз акциялар сони 423 575 000 (Тўрт юз йигирма уч миллион беш юз етмиш беш минг) дона;
- Эгасининг номи ёзилган, имтиёзли, ҳужжациз акциялар сони 16 425 000 (ўн олти миллион тўрт юз йигирма беш минг) дона.
- Банк битта акциясининг номинал қиймати 138 (Бир юз ўттиз саккиз) сўм.
- Банкнинг устав капиталини ошириш мақсадида эълон қилинган акциялар миқдори 75 000 000 (Етмиш беш миллион) дона ҳужжациз, эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни ташкил қилади.
- Банкнинг кредит ресурслари қуйидаги маблағлар ҳисобидан шакллантирилади:
  - банкнинг ўз маблағлари (бошқа юридик шахслар устав капиталдаги қўйилмалари ҳисобидан сотиб олинган асосий воситаларнинг қиймати ва бошқа иммобилизация қилинган маблағлардан ташқари);
  - юридик шахсларнинг банкдаги ҳисобварақлардаги маблағлар;
  - жисмоний шахсларнинг белгиланган муддатга ва талаб қилиб олингунга қадар жалб қилинган омонатлари;
  - бошқа банклардан, шу жумладан халқаро молия институтларидан олинган кредитлар ва депозитлар;
  - чиқарилган қимматли қоғозларни сотишдан тушган маблағлар (депозит ва жамғарма сертификатлари, корпоратив облигациялар ва бошқалар);
  - тақсимланмаган фойдадан ажратилган махсус кредит фондлар ҳисобидан.

- банкнинг молия йили давомида тақсимланмаган фойдаси ҳам кредит ресурслари
- манбаи бўлиб ҳисобланади;
- Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа жалб қилинган маблағлар ҳисобидан.

### **БАНК ҚУЙИДАГИ ЛИЦЕНЗИЯЛАРГА ЭГА:**

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 64 рақамли лицензияси;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг халқаро валютада операцияларни олиб боришга рухсат этувчи 72 рақамли лицензияси.

### **БАНК ҚУЙИДАГИ ПРОФЕССИОНАЛ УЮШМАЛАР ВА БИРЖАЛАРНИНГ АЪЗОСИ ҲИСОБЛАНАДИ:**

- Ўзбекистон банклари ассоциацияси (ЎБА);
- Россия банклари ассоциацияси (РБА);
- Ўзбек Республика валюта биржаси (ЎРВБ);
- «Тошкент» Республика фонд биржаси (РФБ);
- С.В.И.Ф.Т халқаро тўлов тизими; □ ВИСА халқаро тўлов тизими.


Йилдан йилга «Hamkorbank»нинг халқаро молия институтлари билан ҳамкорлиги фаоллашиб бормоқда, улар орасида: Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (Жаҳон банки гуруҳи), Халқаро молия Корпорация (Жаҳон банки гуруҳи), Халқаро тараққиёт ассоциацияси (Жаҳон банки гуруҳи), Европа қайта тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Хусусий секторни ривожлантиришнинг Ислом корпорацияси.


Олдинлари тузилган шартномалар бўйича Халқаро молия Институтларининг узоқ муддатли сармояларини жалб қилиш шунингдек янги лойиҳаларда қатнашиш масалаларини ишлаб чиқиш банкнинг микромолиялаштириш, кичик бизнес субъектларини кредитлаш, савдо молиялаштиришидаги фаолиятини кенгайтириш имконини беради. Бундан ташқари ривожланишдаги муҳим туртки бўлиб банкка турли фаолият соҳаларида техник ёрдам кўрсатиш бўлди. Хусусан, 2011 йилда банк аксионери


бўлмиш Халқаро Молия Корпорацияси ёрдамида қуйидаги йўналишлар бўйича маслаҳатчилар жалб қилинди:

- Кредит таваккаллари бoшқаришни такомиллаштириш;
- Операцион таваккаллари бoшқаришни ривожлантириш;
- Маркетинг - маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишни ташкил этиш ва сотувлар тармоғини яратиш.

•


	<b><u>ХАЛҚАРО МОЛИЯ КОРПОРАЦИЯ (МФК)</u></b>	
	Ҳамкорлик бошланиши	<b>2001 йил</b>
Ҳамкорлик йўналиши:	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлашни ривожлантириш Техник ёрдам кўрсатиш Сармояда қатнашиш	

	<b><u>ГОЛЛАНДИЯ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ (ФМО)</u></b>	
	Ҳамкорлик бошланиши	<b>2012 йил</b>
Ҳамкорлик йўналиши:	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлашни ривожлантириш</li> <li>• Сармояда қатнашиш</li> </ul>	

	<b><u>ХАЛҚАРО ТИҚЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ (МБРР)</u></b>	
	Ҳамкорлик бошланиши	<b>2002 йил</b>


	<p>Ҳамкорлик йўналиши:</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>□ Қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаш</li> </ul>
--	----------------------------	---

<p><b><u>ҲАДҚАРО ТАРАҚҚИЁТ АССОЦИАЦИЯСИ (МАР)</u></b></p>		
 <p>WORLD BANK IBRD • IDA   WORLD BANK GROUP</p>	<p>Ҳамкорлик бошланиши</p>	<p><b>2009 йил</b></p>
	<p>Ҳамкорлик йўналиши:</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>□ Қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаш</li> <li>□ Саноат корхоналари энергия самарадорлигини ошириш</li> </ul>
<p><b><u>ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ (АБР)</u></b></p>		
 <p>ADB</p>	<p>Ҳамкорлик бошланиши</p>	<p><b>2010 йил</b></p>
	<p>Ҳамкорлик йўналиши:</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>□ Микромолиялаштиришни ривожлантириш</li> <li>□ Савдо молиялаштириши</li> <li>□ Техник ёрдам кўрсатиш</li> </ul>

	<b><u>ГЕРМАНИЯ ТАРАҚИЁТ БАНКИ (КФВ)</u></b>	
	Ҳамкорлик бошланиши	<b>2011 йил</b>
Ҳамкорлик йўналиши:	<input type="checkbox"/> Техник ёрдам кўрсатиш	

### **КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ**

Самарали корпоратив бошқариш банкнинг муваффақиятли фаолиятининг муҳим шарти ҳисобланади, барқарор ривожланишни аниқловчи, аксиядорлар, мижозлар ва бошқа алоқадор шахсларнинг

	<b><u>ХУСУСИЙ СЕКТОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИСЛОМ КОРПОРАЦИЯСИ (ИКРЧС)</u></b>	
	Ҳамкорлик бошланиши	<b>2010 йил</b>
Ҳамкорлик йўналиши:	<input type="checkbox"/> Мураббаҳ шартлари асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш	

хуқуқлари ва ҳақларини химоя қилувчи, молиявий ташкилотнинг фаолиятини ошириш соҳасидаги энг муҳим йўналиши бўлиб хизмат қилади. Банк фаолияти турли рисклар билан боғлиқдир. Шу боис корпоратив бошқаришга ва ички назоратга мукамал ёндашув зарурияти мавжуд. Ички назоратнинг аниқ тизимини ўрнатиш учун банк рисклар тавсифининг тулик ва доимий баҳолашини ўтказди. Банкда бошқаришнинг юқори органи - аксиядорлар умумий йиғилиши, банк Кенгаши ва мустақил аъзолари, банк Бошқаруви, ҳамда Тафтиш Комиссияси, Бошқарув қошидаги 5та Қўмита ва Кенгаш қошидаги Кенгаш аъзолари кирувчи 5та Қўмитани ўз ичига олган корпоратив бошқаришнинг мукамал тузилмаси ишламоқда.

### **Банк Кенгаши қошидаги Қўмиталар:**

- Стратегик режалаштириш, ривожлантириш ва корпоратив бошқариш Қўмитаси;
- Аудит ва рисклар Қўмитаси;
- Тайинлаш ва рағбатлантириш Қўмитаси;
- Тавақаллчиликни бошқариш қўмитаси; □ Низоларни бошқариш қўмитаси.

### **Банк Бошқаруви қошидаги Қўмиталар:**

- Активлар, пассивлар ва молиявий рискларни бошқариш Қўмитаси;
- Икки даражали кредит Қўмиталари;
- Инвестиция Қўмитаси;
- Тарифлар ва маҳсулотлар қўмитаси;
- "Информацион технологиялар ва инновацион ғоялар" Қўмитаси

Бошқаришнинг барча тузилмалари банк бизнесининг ажралмас қисми ҳисобланган рискларни камайитириш ва олдини олиш учун мўлжалланган.

**Активлар, пассивлар ва молиявий рискларни бошқариш тизими банкнинг барқарорлигини ва банк операцияларини рентабеллигини**

**қувватлашнинг асосий омили хисобланади. Қўмитанинг асосий вазифалари:**

Банк Бошқарувига унинг молиявий рискларни тахлили ва бошқариш тизимларининг мукамаллаштириш ва мустахкамлашни назорат қилиш соҳасидаги тартибга солувчи ва назорат қилувчи функцияларини амалга оширишига кўмаклашади.;

- Ликвидлиликни самарали бошқариш мақсадида банкнинг оптимал ликвидлигини қўллаш, юқори даромадлилик, молиявий йўқотишларни камайтириш, ва банкнинг турли бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштиришни хисобга олган ҳолда банкнинг молиявий

ривожанишининг асосий йўналишларини аниқлаш;

- Активлар ва пассивларнинг оптимал ва мос келган тузилмаси танлаш;

□ Молиявий оқимларни ўлчовли бошқариш.

**Банкда фаолият кўрсатаётган иккита кредит қўмиталар кредит рисклар даражасини максимал пасайтиришни таъминлаш учун хизмат қилади. Уларнинг вазифалари:**

- Банкнинг актив амалиётлари бўйича сиёсат ва процедураларни кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва мос келишини таъминлаш;

- Диверсификасия ва кредит rischi даражасини бошқариш мақсадида кредит рискларнинг лимитларини белгилаш;

- Барча актив амалётларни ўтказиш тўғрилиги устидан назорат ўрнатиш;

- Кредит портфелини тахлили, унинг сифати, даромадлилик даражаси, диверсификасияси, мос келувчи захираларни ташкил этиш устидан назоратни таъминлаш, рискни камайтириш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва қўллаш.

**Банкнинг инвестицион фаолияти кенгайтиши сабабли ташкил топган инвестицион қўмита ҳам муҳим ўрин тутди. У қуйидаги функцияларни бажаради:**

- Шўъба компаниялар фаолияти самарадорлигини ўсишида таҳлил ва кўмаклашиш;

- Даромадлиликни ошириш мақсадида инвестициялар хажмини кенгайтириш;

- Инвестициялар бозорини хос таҳлилни ўтказиш.

**2013 йилда тарифлар ва банк маҳсулотлари бўйича қўмита тузилган бўлиб, унинг асосий вазифалари қуйидагилардир:**

- Филиаллар ва банк бўлинмаларига таклиф қилинаётган амалдаги ва лойиха ҳолатидаги тариф ва хизматлар тизимларининг ўзгартириш ва кўшимчаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.;

- Банк хизматлари ва маҳсулотлари учун нарх стратегиясини тасдиқлаш;

- Банк хизматлари ва маҳсулотлари учун тарифларни тасдиқлаш;

- Банк хизматлари бозорида банк хизматларининг рақобатбардошлигини таъминлаш;

- Маҳсулотлар даромадлигини ошишига кўмаклашиш;

- Банк мижозларининг кўникиш даражасини оширишга кўмаклашиш.

**2013 йилда инфор­мацион технологиялар ва инновацион ғоялар қўмитаси фаолияти ишга тушган ва мукамаллаштирилган, унинг асосий вазифалари қуйидагича:**

- Операцион зарарларни камай­тириш масалалари бўйича фаолиятнинг асосий ва устивор йўналишларини аниқлаш;

- Банкнинг информацион технологияларини ривожлантириш масалалари бўйича асосий ва устивор йўналишларини аниқлаш;
- Информацион технологиялар қисмида корпоратив бошқарув процедураларининг информацион тиниқлиги ва самарадорлигини ошириш;
- Янгиликлар (Инновациялар) жорий қилиш бўйича қарорлар қабул қилиш.

## **БАНК ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**

---

### **БОШҚАРУВ РАИСИ**

### **БОШҚАРУВ РАИСИ ЎРИНБОСАРИ**

### **ДЕПАРТАМЕНТЛАР**

### **ФИЛИАЛЛАР ТАРМОҒИ**

## 2.2. “Hamkorbank” ATBning moлиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг молиявий фаолиятини тижорат банкларисиз тасавур қилиш қийин. Миллий иқтисодётимиз модернизация ва диверсификация қилиш шароитида “Hamkorbank” ATB самарали фаолият юритиб келмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча вилоят марказларида ва туманларида “Hamkorbank” ATB 32 та филиали фаолият юритаяпти.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг “Ахбор-рейтинг” ва “Мудис” халқаро рейтинг агентликлари томонидан “Hamkorbank” ATBнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари барқарор деб баҳолаган.

Банкнинг 3 йиллик молиявий ҳолатини қуйдаги жадвалда кўришингиз мумкин.

### 2.2.4-жадвал

“Hamkorbank” ATBнинг молиявий кўрсаткичлари. (Минг сўмда)

Т/р	Кўрсаткичлар	2015-йил	2016-йил	2017-йил
1	<b>Активлар</b>	2966964730	3995970837	543375096
2	<b>Мажбуриятлар</b>	2665502042	3587706127	4893325726
3	<b>Ўз капитали</b>	301462688	408264710	540425260

Манба: “Hamkorbank” ATBнинг йиллик ҳисоботлари.

Жадвал маълумотларига қараганда Намкорбанк АТБнинг молиявий ҳолати йилдан-йилга барқарорлашаётгани кўришимиз мумкин. 2017 йили активлари 2015 йилга нисбатан 183 % га 2016 йилга нисбатан 135% га кўпайган.

2017 йили мажбурятлари 2015 йилга нисбатан 183 % га 2016 йилга нисбатан эса 136% га кўпайган.

2017 йили ўз капитали 2015 йилга нисбатан 179 % га 2016 йилга нисбатан эса 132% га кўпайган.

2.2.5-жадвал.

“Намкорбанк ” АТБнинг фойда ва зарар ҳақидаги молиявий кўрсаткичлари. (минг сўмда)


	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2015 йил</b>	<b>2016 йил</b>	<b>2017 йил</b>
1	Фоизли даромадлар	280224619	394779891	545987041
2	Фоизли харажатлар	(89187740)	(132378135)	(187766401)
3	Соф фоизли даромадлар	191036879	262401756	358220640
4	Молиявий ижара бўйича дебиторлик қарзлари ва кредит портфели учун резерв яратиш кейинги соф фоизли даромад	180444756	245684951	344313520
5	Фоизсиз даромад	110364852	109074732	82814924
6	Фоизсиз харажатлар	(176990761)	(217642739)	(263829699)
7	Солиқ тўлангунча фойда	113818847	137116944	163298745
8	Жами йил фойдаси	89850011	106715850	132147726

Манба: “Намкорбанк” АТБнинг йиллик ҳисоботлари.

Жадвал маълумотларига қараганда, “Намкорбанк” АТБнинг молиявий кўрсаткичларидан фоизли даромадлари 2017 йилда 545987041000 сўмни

ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 138 % га, 2015 йилга нисбатан эса 194 % га ошаётганиги, фоизсиз даромадлар эса 82814924000 сўм бўлиб, 2016 йилга нисбатан 75 % га, 2015 йилга нисбатан ҳам 75 % камайганлигини кўришимиз мумкин. Бунга хизмат кўрсатиш тарифларини арзонлаштиргани сабаб қилиб олишимиз мумкин.

Қуйдаги расм орқали сиз банкнинг йиллик фойдасини йилдан-йилга ошиб бораётгани кузатамиз.



### 2.2.6 -расм. Банкнинг йиллик фойдаси. (минг сўмда)

2.2.3-расмга асосланиб, “Hamkorbank” АТБнинг йил фойдасини

қуйидагича таҳлил қилишимиз мумкин.

Банк соф фойдаси йиллар давомида кўпаймоқда.

2017 йилда банк 132147726000 сўм соф фойда кўрди. Бу 2016 йилга

нисбатан 123 % га ошган. 2015 йилга нисбатан эса 147 % га ошган.



### 2.2.7-расм. Банкнинг тақсимланмаган фойдаси. (минг сўмда)

Жадвал маълумотларидан шуни хулоса қилишимиз мумкин. 2017 йил банк тақсимланмаган фойдаси 448542940000 сўм бўлган. Бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 141 %га, 2015 йилга нисбатан эса 214 % га ошган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда “Hamkorbank” АТБ самарали фаолият юритиб, молиявий ҳолати барқарор ҳолатга айланган.

### **2.3. Тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби ва ҳолати таҳлил.**

Ҳозирги кунда республикада банк тизими ўз ичига бир неча турдаги банкларни олади. Булар акциядор, хусусий, қўшма, ипотека ва давлат банкларидир. 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикада 27 та тижорат банки фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 3 таси давлат банки, 11 таси акциядорлик тижорат банки, 8 таси хусусий ва 5 таси чет эл капитали иштирокидаги банклар ҳисобланади. Бугунги кунда республика ҳудудларида тижорат банкларининг 854 та филиали фаолият кўрсатмоқда. Бу тижорат банкларининг ҳар бири турли мулкчилик шаклларига тегишли бўлган корхона, ташкилот, муассасаларга ҳамда юридик мақомга эга бўлмаган тадбиркорлар ва жисмоний шахсларга хизмат кўсатади. Банк муассасаларини аҳоли зич жойлашган манзиллар ҳамда ишлаб чиқариш ҳудудларига яқинлаштириш мақсадида тижорат банкларининг 4295 та мини-банк ва махсус кассалари ташкил этилган бўлиб, шуларнинг 2221 таси қишлоқ жойлардаги аҳоли ва фермер хўжаликларига сифатли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Банклар томонидан халқ хўжалигига хизмат кўрсатиш жараёнида банклараро муносабатлар вужудга келади. Банклараро муносабатлар банклараро тўловлар орқали олиб борилади. Банклараро тўловларнинг мазмуни шундан иборатки, бир банк хизматидан фойдаланувчи корхонанинг талаб қилувчига сақланадиган ҳисобварағидан бошқа ҳисоб варағига ҳужжатда кўрсатилган сумма бухгалтерия ёзувлари орқали ўтказилади. Банклараро тўлов тизимининг ривожланиши бу тизимдаги операцияларни ривожланишига олиб келди. 2017 йилга келиб пул ўтказиш бўйича транзакциялар сони 65,0 млн.донага етди, суммаси эса 673,0 трлн сўмни ташкил қилди.


Шундай қилиб, барча ҳисоб-китобларни 3 гуруҳга бўлишимиз мумкин.

1. Бир банк филиали ичидаги ҳисоб-китоблар.

2. Бир банк ичидаги филиаллараро ҳисоб-китоблар
3. Турли банклар ўртасидаги банклараро ҳисоб китоблар

1) Бир банкнинг мижозлари бўлган субъектлар ўртасидаги ҳисоб китобларни ўтказиш технологияси.

Бир банкнинг мижозлари ўртасидаги ҳисоб-китоблар шу банкнинг ўзида ўтказилади. Бу ҳолда банклараро ҳисоб-китоблар вужудга келмайди. Бунини қуйидаги расм орқали яққолроқ кўриш мумкин.



### 2.3.1-расм. Бир банкнинг мижозлари бўлган субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китобларни ўтказиш технологияси.

Тўловларни ўтказиш ва қайта ишлаш автоматик тарзда бажарилади. Бош банк филиалларнинг ҳисобварақларида пул маблағларининг етарлилигини назорат қилади, маблағлар етмаганда маблағ билан таъминлаш усуллари ишлаб чиқади.

3) Турли банклар ўртасидаги банклараро ҳисоб-китоблар амалиётда кўп ҳолларда икки турли банкларнинг мижозлари бир - бирлари билан хўжалик муносабатларини ўрнатадилар бу эса ушбу банклар ўртасидаги банклараро ҳисоб-китобларни ўтказишда банк типи ва банк кодига алоҳида эътибор берилади.

Бош банк электрон тўловларни қайта ишлаб ягона вакиллик ҳисобварағи орқали бенифициор банкка жўнатади. Бош банкда бу операциялар дастурий йўл билан қуйидаги проводка билан ифодаланади. Дебет 22204 Филиалларга, филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар Кредит 10301 Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи Банклараро ҳисобкитоблар бўйича электрон тўловлар келиб тушганда тўловни оловчи бош банкда дастурий йўл билан ушбу проводка бажарилади.

Дебет 10301


Кредит 22204

Филиаллар банклараро операциялар бўйича электрон тўловлар келиб тушганда дастурий йўл билан мижознинг ҳисобварағига маблағни тушириш бўйича қуйидаги проводкани бажаради

Дебет 16103

Кредит мижознинг ҳисобварағи Бош банкда клиринг натижалари бўйича яқунлаш операциялари автоматик тарзда ўтказилади. Ягона балансга ўтганда 16103 ва 22204 ҳисобварақлар ўзаро ёпилади. Турли банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар Тошкент шаҳар ҳисоб китоб Бош банк маркази орқали

бажарилади. Бу операцияларни қуйидаги схема орқали кўриш мумкин.



### **2.3.2-расм. Банклараро ҳисоб-китобларнинг ўтиш технологияси.**

Юқоридаги схемада турли банкларнинг мижозлари ўртасидаги ҳисобкитобларнинг 2 бош банк орқали ўтиши мужассамлашган турли банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар схемада кўриб турганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар ҳисоб-китоб

маркази орқали ташкил этилади. Соат 9-00 дан 16-00 гача - банклараро ҳисобкитоблар бўйича электрон тўлов ҳужжатларини узатиш - қабул қилиш - назорат қилиш вақти ҳисобланади. Банклар мазкур даврнинг ҳар қандай вақтида Марказий банк ҳисоб китоб марказига электрон тўлов ҳужжатларни узатишлари мумкин. Жўнатишга мўлжалланган электрон тўлов ҳужжат назоратдан ўтади, банкнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади, шифрланади ва банк телекоммуникация тармоғи бўйича Марказий банк ҳисоб китоб марказига бундан кейинги қайта ишланишлар учун узатилади. Соат 17-00 гача Республика бюджети ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг тегишли ҳисобварақларига маблағларни ўтказиш бўйича электрон тўлов ҳужжатларни узатиш амалга оширилади. Бунда соат 16-30 гача тижорат банклари ўртасидаги, соат 17-00 гача эса – тижорат банкларидан Марказий банк ҳамда Халқ банкига, шунингдек Марказий банкдан юборилган электрон тўлов ҳужжатларни қайта ишланилиши яқунланади.

Соат 17-00 дан банкларга куннинг яқунланиши ва яроқсиз деб топилган электрон тўлов ҳужжатлар тўғрисида хабарнома жўнатади. Шундан кейин “Куннинг яқунланиши” босқичи амалга оширилади. Марказий банк ҳисоб китоб марказида қуйидагилар “Куннинг яқунланиши” босқичини бажарилишининг шартлари ҳисобланади:

- а) банклардан электрон тўлов ҳужжатни қабул қилиш вақтининг тугаши;
- б) Марказий банк ҳисоб китоб марказига узатилган барча электрон тўлов ҳужжат қайта ишланган ва банкларнинг тегишли вакиллик ҳисобварақларида акс эттирилган бўлиши керак. Банкларда “Куннинг яқунланиши” босқичининг

вакти банкнинг ички тўлов тизими қоидаларига мувофиқ мустақил равишда белгиланади. “Куннинг якунланиши” босқичи чиқиш шакларини чиқариш, маълумотларни архивациялаш ва тизимни навбатдаги куннинг бошланишига тайёрлаш билан биргаликда боради. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредитни бошқариш хусусият ларидан келиб чиққан ҳолда, банклараро электрон тўлов ҳужжатларининг ўтказиш вақтини тўлов тизими масалаларини назорат қилувчи Раис ўринбосарининг ёзма фармойишига асосан узайтириши мумкин. Бу ҳақда тизим қатнашчилари ва фойдаланувчилари электрон тўлов ҳужжатга ишлов бериш вақтининг тугашига бир соат қолгунига қадар кечиктирилмасдан хабардор қилинади. Ушбу иш тартиби фавқулодда вазиятлар ҳолати содир бўлганда қўлланилмайди. Фавқулодда вазиятлар юзага келганда тизим қатнашчилари ва фойдаланувчиларининг иш тартиби Марказий банкнинг алоҳида меъёрий ҳужжатлари билан белгиланади. Фавқулодда вазиятлар содир бўлганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки оммавий ахборот воситалари орқали хабар беради. Банклар банк қонунчилиқ ҳужжатлари, ўрнатилган иқтисодий меъёрларга риоя қилмаган ҳолларда, Марказий банк дебет мемориал ордерларни шакллантириш йўли билан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларидан жарима ундириш ҳуқуқига эга. Киритилган пул-ҳисобкитоб ҳужжати асосида банкнинг филиалида дастурий равишда электрон тўлов ҳужжат шакллантирилади, у ички назоратдан ўтади, электрон рақамли имзо билан тасдиқланади, шифрланади ва банкнинг тўлов марказига узатилади. Ташаббускор банкда, ички назорат ва электрон рақамли имзо текшируви ўтказилганидан сўнг, банклараро ҳисоб-китоблар бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1) Ташаббускор банкнинг тўлов (ҳисоб-китоб) марказида филиаллардан олинган электрон тўлов ҳужжатларига асосан: кредит операциялари бўйича:

Дебет	22204	тегишли филиал ҳисоб варағи;
Кредит	10301	банкнинг ҳисобварағи;
дебет	операциялари бўйича:	

Дебет 10301 банкнинг ҳисобварағи;

Кредит 22204 тегишли филиал ҳисобварағи;

2) Марказий банкнинг маълумотларни қайта ишлаш бўлимида Марказий банкнинг Ҳисоб-китоб-касса марказларидан олинган электрон тўлов ҳужжатга асосан:

кредит операциялари бўйича:

дебет 22204 тегишли ҳисоб-китоб-касса маркази ҳисобварағи;

кредит 11005;

дебет операциялари бўйича:

дебет 11005;

кредит 22204 тегишли ҳисоб-китоб-касса маркази ҳисобварағи;

Бенефициар банкда, ички назорат ва электрон рақамли имзо текшируви ўтказилганидан сўнг, банклараро ҳисоб-китоблар бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1) Бенефициар банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказида банка электрон тўлов ҳужжат келиб тушганда:

Кредит операциялари бўйича: дебет 10301;

кредит 22204 тегишли филиал ҳисобварағи; дебет операциялари бўйича:

дебет 22204 тегишли филиал ҳисобварағи; кредит 10301;

2) Марказий банкнинг маълумотларни қайта ишлаш бўлимида электрон тўлов ҳужжат келиб тушганда:

Кредит операциялари бўйича: дебет 11005; кредит 22204 тегишли ҳисоб-китоб-касса маркази ҳисобварағи; дебет операциялари бўйича: дебет 22204 тегишли ҳисоб-китоб-касса маркази;

кредит 11005;

Бенефициар банкнинг Тўлов марказидан келиб тушган электрон тўлов ҳужжатлари филиалда ички назорат ва электрон рақамли имзоси текширувидан

ўтади. Ижобий натижа олинганда, ўтказмалар филиал ва унинг миждозларининг тегишли ҳисобварақлари бўйича акс эттирилган ҳолда амалга оширилади. Агар миждознинг ҳисобварақ рақами нотўғри кўрсатилган бўлса, бу ҳолда маблағлар олувчи учун 23206 - “Аниқланиш жараёнидаги трансакциялар” ҳисобварағига ёки тўловчи учун 17305 - “Аниқланиш жараёнидаги трансакциялар” ҳисобварағига ўтказилади, ундан уч иш куни мобайнида мақсади бўйича ҳисобдан ўчирилиши керак. Ҳар бир электрон тўлов ҳужжат батафсил таҳлил қилинишидан олдин, қуйидагилар бўйича текширилади:

а) жорий куннинг бошида вакиллик ҳисобварағи ҳолатини текширганда ижобий натижа чиқиши;

б) электрон тўловни амалга ошириш учун банкнинг вакиллик ҳисобварағида етарли маблағларнинг мавжудлиги.

Электрон тўлов ҳужжатда биронта хато аниқланса, шунингдек, электрон тўловларни амалга ошириш учун банкнинг вакиллик ҳисобварағида маблағлар етарли бўлмаса, мазкур электрон тўлов ҳужжат қайта ишлашдан чиқарилади ва бу ҳақда банкка хато коди кўрсатилган ҳолда ахборот тақдим этилади.

Ҳар бир электрон тўлов ҳужжат қайта ишлаш жараёнида Марказий банк ҳисоб китоб марказида тўлов ўтказмалари 11001, 11003, 21302, 21304 ва 27416 ҳисобварақларида акс эттирилган ҳолда амалга оширилади. Шундай қилиб, банклараро тўловлар Марказий банк ҳисоб-китоб маркази орқали ташкил этилади. Ҳисоб-китоблар маркази - бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банки худудий бош бошқармаларининг бухгалтерия ҳисоби, ҳисоб ва ҳисобкитоблар бошқармасининг бўлими бўлиб, унинг функциясига банкларнинг вакиллик ҳисоб-китоб варақларига хизмат кўрсатиш ва банклараро тўловларнинг узликсизлигини таъминлаш киради. Ҳисоб-китоб марказлари маълумотларини қабул қилиш, назорат ва узатишнинг автоматлашган тартибига эга бўлган тўлов тизимининг ишончилиги ва хафсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган.

## **III-BOB. “НАМКORBANK” АТБДА НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙУЛЛАРИ.**

### **3.1. Тижорат банкларида пластик карточкаларнинг қўллаш билан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштириш тадбирлари.**

1995 йилда Ўзбекистонда илк маротаба миллий валютада кредит ва дебет тўлов пластик карточкалари муомалага чиқарилди. 2004 йил 24 сентябрда 445-сон билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари ўғрисида"ги қарори доирасида Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилди. У савдо ташкилоти ёки хизматлар соҳасига ёхуд пластик карточка эгасига қайси банк орқали хизмат кўрсатилаётганидан қатъи назар, банк операцияларини барча савдо шохобчаларида ягона режимда олиб бориш имконини беради. Айти пайтда, Ягона умумреспублика процессинг маркази сўм пластик карточкаларини муомалага чиқарувчи 27 та тижорат банкни бирлаштиради. Марказда “UZKART” сўм пластик карточкалари бўйича нақд пулсиз ҳисобкитоблар банклараро тўлов тизими ташкил этилган. Ўзбекистонда ҳозирда пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисобкитоб қилиш тизими жуда кенг тарқалган. Жойларда пластик карточкалар эгаларига кечаю кундуз хизмат кўрсатишга имкон берувчи ахборот-маълумот терминаллари тармоғи ишлаб турибди, терминаллар, банкоматлар ва инфокиоскларни таъмирлаш бўйича сервис хизматлари ташкил этилган. Ўзбекистонда пластик карточка нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимида оммабоп дастакка айланди. У нафақат нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартиришга имкон беради, балки аҳоли учун харид қилинган товарлар ва хизматлар учун ҳисобкитобларни амалга ошираётганда қўшимча қулайликлар ҳам яратади. Кейинги йилларда мамлакатимиз ҳукумати томонидан давлат учун ҳам, аҳоли учун ҳам бир қатор афзалликлар берадиган нақд пулсиз ҳисобкитобларнинг


самарали тизимини яратиш ва ривожлантиришга йўналтирилган қарорлар қабул қилинди. Албатта, янгиликни жорий этиш кўплаб саволларни туғдиради, бироқ моҳиятни тўғри тушуниш ва мазкур тўлов тизимини жорий этиш мақсадлари, шунингдек, уларнинг қулайликлари ва имтиёзларидан хабардор бўлиш, шубҳасиз, замонавий банк хизматлари ва маҳсулотларини илгари суришга имкон яратади. Тўловнинг замонавий ва қулай воситаси сифатида пластик карточкани оммавийлаштиришга йўналтирилган фаол тушунтириш тадбирлари натижасида аҳоли ва тадбиркорлар пластик карта ёрдамида ҳисобкитобларнинг барча афзалликларини англаб етадилар,

Маълумки, давлатнинг иқтисодий соҳаси ривожланишини самарали фаолият кўрсатувчи тўлов тизимсиз амалга ошириб бўлмайди. Самарали фаолият кўрсатувчи тўлов тизимлари давлат молия тизими барқарорлигининг асоси бўлиб, иқтисодиётда операцион харажатларни камайтириш, молиявий ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш, молия бозори ликвидлигини ошириш ва пул-кредит сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш учун хизмат қилади.

Турли хорижий давлатлар тажрибаси тўлов тизимларининг ривожланиши биринчи навбатда тўлов воситалари ва хизматларини кенгайтириш натижасида банк операцион харажатларини камайтириш ва хизматлар самарадорлигини оширишга олиб келишини кўрсатмоқда. Шунинг билан бирга, банк карталари орқали онлайн тўловларни кенг қўлланилиши тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ банк хизматларининг самарадорлигини оширишга олиб келади.


Бугунги кунда республика банклари томонидан банк карталари ёрдамида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш мақсадида

19,3 млн банк карталари муомалага чиқарилган бўлиб, ушбу карталар орқали 2017 йилнинг ўн ойи мобайнида 36,9 трлн сўмга яқин транзакциялар ўтказилди.



### 3.1.1-расм. Муомалага чиқарилган банк карталари сони.

Банк карталари орқали ўтказилган операцияларнинг асосий қисми савдо тўлов терминаллари, банкоматлар ва инфокиосklar орқали амалга оширилган. Ҳозирги кунда жами ўрнатилган ва аҳолига хизмат кўрсатаётган терминаллар сони 235 минг дан ортиқ бўлиб, инфокиосklar сони эса қарийб 5,5 мингтани ташкил этмоқда.



### **3.1.2-расм. Ўрнатилган ҳисоб китоб терминаллари, инфокиоск ва банкоматлар сони.**

Замонавий тўлов технологиялари ва масофавий банк хизматларини ривожланиши билан бир қаторда масофавий нақд пулсиз тўловлар сони ошиб бормоқда. Жумладан, ҳозирги кунда мобил телефонлар орқали тўловларни амалга ошириш оммалашиб бормоқда. Бу борада банклар томонидан чиқарилган 3,7 млн. дан ортиқ банк карталарининг эгалари мобил тўлов тизимларидан фойдаланмоқдалар. Мобил тўлов тизимлари тижорат банклари томонидан мустақил ёки нобанк тижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда жорий қилиниб, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатмоқда. Булардан кенг тарқалган тизимлар қаторида Click, Payme, M-bank ҳамда Hamkorbank, ТИФ Миллий банки, Агробанк, Асакабанкнинг мобил тўлов тизимларини кўрсатиш мумкин.

Мижозларга қулай бўлиши учун тижорат банкларимиз масофадан туриб хизмат кўрсатишнинг икки турини таклиф этади: Интернет-Банкинг ва Мобайл-банкинг. Мижозларнинг кўпчилиги бир вақтнинг ўзида иккала хизматдан фойдаланишади. Бу шунинг учун қулайки, сиз Интернет-Банкингни офисда, уйда ёки Интернет тармоғига уланган компьютер мавжуд ҳар қандай бошқа жойда ишлатасиз. Мобайл-Банкингдан эса хизмат сафарида ёки саёҳат чоғида фойдаланасиз. Бу икки хизмат бир-бирини тўлдириб туради»

#### **□ Хизматдан фойдаланиш шартлари**

- Интернет-банкингдан фойдаланиш учун Сизга Интернетга

уланган компьютер лозим бўлади

- Мобайл-банкингдан фойдаланиш учун Сизга Андроид операцион тизимига асосланган ва интернетга уланган мобиль телефон керак бўлади.

#### **□ Хизматдан фойдаланишнинг афзалликлари**

«Масофавий хизматдан фойдаланган ҳолда Сиз вақтингиз ва пулингизни анча тежайсиз. Офисга ташриф буюриш ва навбатларда вақт йўқотишингизга ҳожат қолмайди.

Масофавий хизматдан фойдаланган ҳолда Сиз ҳар қандай жойда ҳисобрақамингизни доимий назорат қилиб туриш имконига эгасиз. Тўловларни банк

иш режимидан қатъи назар хоҳлаган вақтда амалга ошириш мумкин. Бирок эътиборингизни шунга қаратмоқчи эдикки, банк ичидаги ҳисобрақамлар бўйича ва ташқи тўловлар банк операцион куни давомидагина амалга оширилади».

Тизимларнинг имкониятлари “Интернет-Банк” ва “Мобайл-Банк” тизими орқали Сиз қуйидагиларни амалга оширишингиз мумкин:

- Ҳисобрақамларингиз, кредитларингиз ва омонатларингиз ҳолатини кузатиб бориш;
- Коммунал ташкилотларга тўловлар;
- Мобил алоқа тўловлари;
- Интернет провайдерларига тўловлари;
- Бюджет ташкилотларига тўловлари (контракт туловлар, боғча туловлари, жарима ва бошқа бюджет туловлари);
- Бир пластик картадан бошқа бир пластик картага пул ўтказмалари;
- Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар;
- ДАН жарималарига тўловлар;
- «Hamkorbank» АТБнинг кредит тўловлари;
- Бир маротабалик тўловлар;
- Бошқа банк кредитларини тулаш

Тижорат банкларининг чакана тўловлар, шу жумладан, банк карталари воситасида амалга оширилган тўловлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблари Марказий банкнинг Клиринг тизими орқали амалга оширилади. Шунингдек, Марказий банкнинг Клиринг тизими, чакана тўлов тизимлари билан биргаликда ишлашдан ташқари, Молия вазирлиги Ғазначилигининг ахборот тизими ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг биллинг тизимлари билан интеграция қилинган ҳолда тўловларни ўтказиш имконини беради.



### 3.1.3-расм. Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланувчилари сони.

Интернет-Банк ва Мобайл-Банк тизими орқали сиз ўз бўш маблағларизни электрон омонатга ҳам қўйишингиз мумкин.


**ЭЛЕКТРОН ХАМЁН бу** - Аҳолидан бўш пул маблағларини омонатга қабул қилишни электрон усули.

Бошқа омонатлардан устунлик ва қулай томони.

- Мижоз банкга келмасдан мустақил маблағини мобил телефон ёки интернет орқали омонатга жойлаштиради;
- Банкга бориш вақти ва маблағи тежалади;

- Хужжатларни расмийлаштиришга ортиқча вақт сарфламайди;
- Мижоз ҳисобрақамини мобил телефон ёки интернет орқали мустақил бошқаради.

Мобил тўлов тизимлари орқали кўрсатилаётган хизматлар асосан мобил операторлар, интернет провайдерлар хизматлари учун (нобанк чакана тўлов тизимлари орқали) тўловларни ўтказиш бўлиб, коммунал тўловлар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни Клиринг тизими орқали ўтказиш салмоғи юқори бўлиб келмоқда. 2017- йилнинг ўтган ўн оyi мобайнида Марказий банкнинг Клиринг тизими орқали хизмат кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар ҳисобига амалга оширилган тўловлар суммаси 4 трлн. сўмга етиб, транзакциялар сони 31 млн.дан ошди.



### 3.1.4-расм. Марказий банкнинг Клиринг тизими орқали амалга оширилган чакана тўловлар.

Ҳозирги кунда тижорат банклари томонидан онлайн-банкнинг технологияларини, жумладан, мобил банкнинг хизматларини реал вақт режимида кўрсатиш тизимларини янада ривожлантириш, барча банкларнинг карталарини тўлиқ қамраб олиш мақсадида жисмоний шахслар учун мобил тўлов дастурларини яратиш ва жорий қилиш бўйича режа-графиклари ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга, мобил тўлов дастурлари имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида Марказий банкнинг Клиринг тўлов тизими асосида банклардаги ҳисобрақамларни бошқариш, картадан картага, ҳисобрақамдан ҳисобрақамга тўловларни амалга ошириш, онлайн кредитлар бериш (кредитларни сўндириш) ва тўловларни амалга ошириш, онлайн жамғармалар очиш, савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаларига онлайн тўловларни амалга ошириш имкониятини берувчи механизмлар синовдан ўтказилмоқда. Ушбу механизмларнинг ягона платформада жорий қилиниши, банк миждозлари – жисмоний шахсларга банкдаги ўз ҳисобрақамларини ҳар куни 24 соат (дам олиш ва байрам кунларисиз) тасарруф этиш имкониятини яратади. Ҳозирги

кунда Клиринг тизими орқали ТИФ Миллий банки, Қишлоққурилишбанки, Hamkorbank, Ипотека банки, Ўзсаноатқурилишбанки, Ипак Йули банки, Туронбанк, Туркистонбанк мижозлари P2P-тўловларини ўтказиш имкониятига эга бўлиб, бу рўйхат доимий равишда кенгаймоқда.

Нақд пулсиз тўловларни ривожлантириш борасида 2018 йилда банклар томонидан мобил тўлов дастурлари ёрдамида QR code ва NFC каби технологиялар асосида контактсиз тўловларни ўтказиш ва қабул қилиш имкониятини яратиш режалаштирилмоқда. Бу имкониятлардан бозорларда, сайёр ярмарка ва, айниқса, транспортда фойдаланилиш аҳоли учун қулай бўлади.

Таъкидлаш жоизки, мобил тизимларнинг функционал имкониятларини кенгайтириш ўз навбатида, фойдаланувчиларни масофадан идентификация қилиш тизимларини ривожлантириш заруриятини яратади. Масофадан идентификация қилиш банк хизматларини соддалаштирган ҳолда, банк операцияларини назорат қилиш талабларини таъминлайди. Мижозлар учун эса банк хизматларидан қоғоз ҳужжатларни қайта тақдим этмаган ҳолда фойдаланиш, банкнинг бир филиали мижози бўла туриб, бошқа филиаллари, ва келажакда, бошқа банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини беради.

Ўз навбатида, масофавий идентификация қилиш банк хизматлари таннархи камайиши натижасида янги мижозларни жалб қилиш ҳамда молия бозорида рақобатни ривожлантириш имкониятини беради. Натижада бу ишларни йўлга қўйиш банк даромадини оширишга ҳам туртки бўлади.

Шунинг учун 2018 йилда банк мижозлари бўлган жисмоний шахсларни рўйхатга олиш ва уларга хос рақам беришни жорий қилиш орқали Банк депозиторларининг миллий ахборот базасини (БДМАБ) модернизациялаш режалаштирилган.

Жисмоний шахсларга хос рақам ажратиш “Электрон ҳукумат” тизими учун ҳам долзарб бўлиб, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақамини идентификатор сифатида ахборот тизимларига жорий этиш таклиф қилинмоқда.

Масофавий банк хизматларини (мобил-банкнинг, интернет-банкнинг) кенг жорий қилиш, ўз навбатида, янги банк хизматлари бўйича тегишли маркетинг ишларини олиб борилишини тақозо этади. Хорижий амалиётда, интернетнинг интерактив имкониятларидан фойдаланувчи банклар ижтимоий тармоқларда фаол реклама кампанияларини олиб борадилар.

Республикада фаолият юритаётган тижорат банклари ижтимоий тармоқлардан банк маҳсулотлари ва хизматлари бўйича маркетинг ишларини олиб бориш учун фойдаланишмоқда. Банклар томонидан (Hamkorbank, Универсалбанк, Капиталбанк, Агробанк) ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган akkaунтлар банк маҳсулоти ва хизматлари бўйича маркетинг ишларини олиб боришнинг асосий воситаси бўлиб, мижозлар билан ўзаро алоқа ўрнатиш, мижоз тўғрисида керакли маълумотни йиғиш, мижозларни қўллаб қувватлаш сифатини ошириш учун хизмат қилмоқда.

Мисол учун, Агробанк ва Hamkorbank ижтимоий тармоқлар орқали ўз мобил иловаларини доимий равишда тақдим қилади ва қайта алоқа сифатида фойдаланувчиларнинг таклиф ва эътирозлари ижтимоий тармоқда билдирилади. Натижада фойдаланувчиларнинг, яъни банк мижозларининг истакларига оператив равишда жавоб берилади, зарур ҳолларда тадбирлар амалга оширилади. Шунинг учун ижтимоий тармоқлар банклар учун мижозлар билан алоқа қилишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

**3.2. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштиришнинг хориж тажрибаси.**

Бугунги кунда ҳаётимизни интернет, уяли алоқа ва электрон тўловларсиз тассавур қилишимиз қийин. Булар ҳаётимизга енгилик баҳш этаяпти. Булар ёрдамида электрон тўлов тизими орқали харид қилиб олинган махсулот ёки кўрсатилган хизмат учун масофадан туриб ҳақ тўлай оламиз.

Кўплаб мамлакатларда электрон тулов тизимини ривожлантиришга ҳаракат қилинмоқда. Швеция 2030-йилга келиб нақд пулдан бутунлай воз кечиши мумкин. Янги тадқиқот натижалари Швецияда ҳар бешта хариднинг тўрттаси электрон шаклда ёки карта ёрдамида амалга оширилишини кўрсатди, мамлакат нақд пулдан воз кечишга қараб илдам қадамламоқда. Швециянинг ҳар бир фуқаросига бир йилда 260 та электрон ҳисоб-китоб тўғри келади. Ҳаттоки кўчада мева, сабзавот ва газета сотадиган савдогарлар тўлов учун карталарни қабул қилади. Нақд пулдан воз кечиш банк тизимини пулга ишлов беришга сарфланадиган харажатдан озод этади, шу тариқа 1,2 миллиард доллар тежалиши мумкин. Электрон тўлов тизими кенг тарқалиши билан қуролли талончиликлар ҳам кескин камайди. Швеция банк ассоциацияси маълумотларига кўра, 2017-йилда бор-йўғи бешта банк ўғрилиги қайд этилган. Бугунги кунда Швецияда нақд пул айланмаси 1-2% ни ташкил етмода. Нақд пул Швецияда пул муомаласи тизимидан 2030-йилга келиб йўқолиши мумкин, дея прогноз қилмоқда олимлар.

Дунё тўловлар саноати доимо транзакцияларни осонлаштирадиган ва тезлаштирадиган янги тўлов турларини қидириш билан шуғулланиб туради. Агар ҳозирги кунда банк карталари ёки ақлли соатлар билан ҳеч кимни ҳайрон қолдира олмасанг, янги тўлов турлари революцион бўлиб кўринадир.

### **Биометрия орқали тўлов:**

Биометриянинг идентификация ва верификация технологиялари тўловлар саноатига анчагина янги имкониятлар тақдим этди. Мисол учун, смартфон о

орқали Тоуч ИД технологиясининг алоқасиз тўлов тури. Россияда ҳам бу йўл билан тўлайдиган одамлари сони ўсиб бормоқда: ўтган йилнинг куз ҳолатига кўра, бор-йўғи 5 фоиз россияликлар алоқасиз тўлов туридан фойдаланишган бўлишса (НАФИ ахбороти), бу йил баҳорига келиб кўрсаткич 8,6 фоизни ташкил қилди.

“Яндекс.Пуллар” – Аппле Пай ва Самсунг Пай алоқасиз тўлов тизимлари ни Россияда жорий этган биринчи хизмат тури бўлди. Қизиқарлиси, россиялик фойдаланувчилар алоқасиз тўловлардан буюртмаларни интернет-дўконлар, овқат жўнатмалари, ТжКТ (Турар-жой Коммунал Тўловлари), уяли алоқа воситалари ва пул жўнатмаларини жўнатишда фойдаланишади.

Лекин, бу тўлов турини амалга ошириш учун, харидни бармоқ излари билан тасдиқлашда смартфон телефонисиз амалга ошириб бўлмайди. Хавфсиз биометрик аутентификация туфайли қўшимча қурилмалар керак бўлмайди, ягона тўлов воситачиси сифатида фақат инсон қолади.

Қизиқарли мисол сифатида – Ҳиндистоннинг ААДҲААР биометрик идентификация тизимини олиб қарашимиз мумкин. У миллиардан ортиқ одамларнинг маълумотларини ўзида сақлайди: ўн миллиард бармоқ изларининг шаблонлари, икки миллиард кўз пардасининг шаблонлари ва миллиард расмлар. Бу йирик ижтимоий лойиҳалардан бири, улкан идентификацион маълумотлар омили ва замонавий биометрик технологияларнинг молия тизимига интеграциясига яхши мисол бўла олади. Ҳисоб рақамларини боғланганлиги, ААДҲААР рақамлари орқали бошқа ҳисоб рақамларига тўғридан-тўғри пул ўтказишга ёрдам беради, масалан – СМС орқали. Ҳиндистондаги йирик купюраларни беқор қилиб шов-шувларга сабаб бўлган молиявий ислохотлар, ААДҲААРга бўлган қизиқишни янада оширди.

### **Кафт орқали тўлов:**

Россияда ҳам бир қанча қизиқарли намуналар мавжуд. Бир неча йил аввал “Сбербанк” “Ладошки” (Кафтлар) номли янги технологияни тақдим этди. Ҳо

зирги кунда у Россиянинг ўнлаб мактабларида муваффақиятли ишламоқда. “Ладошки” – бу биометрик тизим бўлиб, у орқали ўқувчилар овқат учун кафтларини теккизган ҳолда тўловларни амалга оширишлари мумкин. Бола кафтини экранга олиб келганда, махсус сканерлар у ердаги индивидуал қон томирлари тасвирини аниқлайди. Шундан сўнг пуллар автоматик равишда, комиссиялар сиз ота-оналар бошқарадиган ва тўлдириб борадиган махсус ҳисоб рақамларидан ечиб олинади. Бир тарафдан бу жуда фойдали технология – бу болага ҳам ёнини йўқотиб қўйган пайти оч қолмаслигига ёрдам беради. Лекин шу билан биргаликда, бир нечта саволлар туғилади: бола қўли кир ёки терлаган бўлса ҳам тизим ишлашда давом этадими.



### **3.2.1-расм. Каф торқали тулов.**

#### **Бармоқ излари орқали тўлов;**

Бир неча йил олдин “Азбука Вкус” супермаркет тармоқлари бармоқ излари орқали тўловларни амалга ошириш лойиҳасини тақдим этди. Инсон Виса ёки Мастерсард банк карталарига иккита бармоқ изларини боғлаб қўйишлари ва бунинг ёрдамида, карта ПИН-кодларидан фойдаланмаган ҳолда, махсус П ОС-терминал орқали тўловларни амалга оширишлари мумкин бўлди. Биомет

рик маълумотлар сақланмасдан, сканер қилиб бўлингандан сўнг рақамлар кетма-кетлигига ўгирилади. Ҳар бир ҳосил бўлган код ўзининг идентификаторига эга бўлади ва маълумотлар омборидан муайян одамнинг банк картасига боғлаб қўйилади. Бунақа ечимлар, биометриянинг ритейлда ишлатилиши тенденциясига мос келсада, биометриянинг смартфонга интеграция қилинишида ҳархил фикрларга сабаб бўлмоқда. Ҳамма одамлар ҳам “жамоат” жойларида бармоқ изларини олиш етарлича гигиеник деб билишмайди. Бу оммавий аудиторияни жалб қилишда тўсиқ бўлиши мумкин.



**3.2.2-расм. Бармоқ изи орқали тулов.**

#### **Кўз пардаси орқали тўлов:**

Ўтган йили суриялик қочқинлар Иорданияда тўловларни нақд пулларсиз, кредит карталарсиз ва талонларсиз амалга ошира бошлашди: тўловни амалга ошириш учун камерага қарашни ўзи етарли эди. Иновацион тизим БМТнинг Халқаро савдо дастури томонидан тадбиқ этилди.

Бу лойиҳа, кўз пардасини сканерлаш платформасини яратган ИрисГуард компанияси томонидан қўллаб-қувватланиб борилади. Тизим сканерлашдан сўнг, БМТнинг қочқинлар билан ишлаш Бош комиссари Бошқармасининг маълумотлар омборидан аниқ одам тўғрисида маълумот олиб, харидорнинг Миддл-эст Паймент Систем тўлов тизими орқали Жордан Аҳли Банкдаги ҳисоб рақамига сўров жўнатади, тўловни тасдиқлагандан сўнггина чек чиқариб беради. Қизиқарлиси, ҳозирги кунда кўз пардасини сканерлаш Самсунг Пайнинг транзакцияларини авторизация қилишда форм-фактор ҳисобланади – бу функция Галахй С8 смартфон флагманларига ўрнатилган. Шундай экан, дунё бўйлаб алоқасиз тўловлар машҳур бўлаверса бу идентификациянинг муваффақиятга эришишига барча имконияти бор.

### **Овоз орқали тўлов:**

Овозни аниқлаш технологияси ҳам тўловчини дарров аниқлаш имкониятига эга. Ҳозирда ундан хорижий банклар фойдаланмоқда. Мисол учун, 2016-йилнинг феврал ойидан Англиянинг ҲСБС банк мижозлари онлайн-банк хизматида, овозни аниқлаш технологиясидан фойдалана бошлашди. Мижозни аниқлаш учун технология 100 га яқин параметрларни текширувдан ўтказиб чиқади. Бунинг шарофати билан, мижоз касал ёки овози бўғилиб қолган бўлса ҳам тизим уни аниқлай олади. 2013-йилда шунга ўхшаш тизимни Англиянинг Барслайс банки ҳам тақдим этди.

### **Товуш орқали тўлов:**

Кўплаб илғор технологиялар Хитойда пайдо бўлишига ҳеч ким шубҳа қилмайди, шу жумладан тўлов саноатидаги иновациялар ҳам. Бир неча йил аввал, Хитойнинг Алипай хизмати товуш тўлқинлари орқали тўлов амалга ошириш технологиясини тақдим этди. Хитой метроларидаги ичимлик сотадиган вендинг аппаратларида шитирлаш товушлари орқали тўлов қилиш имконияти па

йдо бўлди. Алипай Валлет дастури ёрдамида тўлов турини танлаш керак, шундан сўнг смартфон юқоридаги товушларни чиқара бошлайди. Агар смартфонни вендинг апаратыни махсус қисмига оборса, у бу ягона товушни аниқлайди ва тўлов амалга оширилади. Бизнинг фикримизча, товуш орқали тўлов – Осиеда тарқалган ҚР-код тўловининг ҳаётга тадбиқ қилса бўладиган муқобили ҳисобланади. Шунинг учун товуш орқали тўловнинг ҳеч бўлмаса Осиенинг ўзида оммавий бўлишига барча имкониятлари бор, бу эса анча катта бозор ҳисобланади. Айтганча, бунақа мисолларга Ҳиндистон транспортидаги шу каби тўлов турларини келтириш мумкин.

### **Селфи орқали тўлов:**

Финландиянинг Уникул компаниясининг тақидлашича, тез орада бизга на а нақд пуллар, на кредит карталари керак бўлади, тўлов воситаси сифатида оддам юзларини ўзи кифоя бўлади ҳолос. Уникул стартапи дўконларга камералар ўрнатишни таклиф қилмоқда ва улар ёрдамида одамларнинг ноёб юзларини суръатга олиб, банкдаги ҳисоб рақамларининг маълумотлар омборидаги манба билан солиштириб тўлов учун пул ечиб олади. Уникул вакилларининг сўзларига қараганда, тўлов вақти, банк карталаридан пул ечиб олиш учун кетадиган ўттиз сониядан беш сониягача қисқарар экан. Аппледа ҳам бунақа технологияларни қадирлашади. Гап-сўзларга қараганда компания смартфонни юз кўриши орқали очадиган технологияни синовдан ўтказиётган экан. Бу иПхоне 8ъдаги Тоуч ИД датчикидан воз кечишга имкон беради. Тахмин қилинишича, кейинчалик юзни аниқлаш орқали нафақат смартфонни очса бўлади, балким унинг ёрдамида тўловларни тасдиқлаш, паролларни киргизиш (катта эҳтимол билан Аппле ИД) ва ҳимояланган дастурларни ишга тушириш мумкин бўлар экан. Юзни анализ қилиш 3Д-сенсорлари орқали амалга оширилади. Бу усулнинг афзал тарафларидан бири – гигиеник факторнинг йўқлиги. Инсон бармоқ излари ёки кафтини биометрик ахборотини аниқлаш учун сенсорга тегиниши шарт эмас. Анализ қиладиган қурилмага бирор нарса гапиришни кераги йўқ. Юзни аниқлаш тўлиғича алоқасиз. Банкоматларда биометрик технологияларни қў

ллаш идентификация ва аутентификация имкониятларини кенгайтиради, бироқ бу махсус техник ва дастурий таъминотларни талаб қилади. Бу эса анчагина қиммат: экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, битта банкоматни янги аниқлаш тизими билан жиҳозлаш 500-1000 доллар атрофида бўлади.

### **Тақиладиган алоқасиз тўлов қурилмалари:**

Ҳозирги кунда тақиб юриладиган қурилмалар унча кенг тарқалмаган, лекин муваффақиятли бўлиш имконияти анча юқори – тақиб юриладиган электроника бозори мунтазам ўсиб борапти. Саналйс нодавлат аналитик агентлигининг маълумотларига кўра, 2017-йилнинг иккинчи кварталда 2016- йилга нисбатан бозор 8 фоизга ўсган. Стратегй Аналитисс тарқатган хабарларга кўра, ақлли соатлар бозори ҳар йили 1 фоизга, 2016-йилнинг тўртинчи кварталда эса у рекорд даражада ошди – 8,2 миллион донага.

### **Узук билан тўлов:**

Модалар ва технологиялар дунёсини бирлаштириш учун баъзи компаниялар тақиладиган электроникаларни ишлаб чиқмоқда, алоқасиз тўлов қилиш учун NFC-чиплари ўрнатилган аксессуарлар ва кийимлар шулар жумласидандир. Бошқалари каби “ақлли” қурилмалар бозори ҳам ўзгаряпти ва ривожланыпти. Олдин ҳамма терминалга яқинлаштирса бўладиган “ақлли” соатлар ҳақида гапиришган бўлишса, ҳозир эса барча умидлар смарт-узук деб номланган қурилмаларга тушыпти. Узук ишлаб чиқарувчилар ҳам уларни функционаллиги, ҳам ташқи кўриниши устида ишлашыпти. Дунёда фақат бир нечта компанияларгина тақинчоқларни ақлли қилишга ҳаракат қилишмоқда. Улар орасида – Ринглей, Керв Wearables, Шанхи Жаксом Течнологй, МсЛеар, Логбар, Мота Групп, Фужицу, Нимб, Оура, Моодметрис. 2017-йил июн охирида Токен номли ақлли соат тақдим этилди. Унинг ёрдамида узук эгаси харидларни тўлаши, интернет-хизматларида рўйхатдан ўтиши ва электрон қурилмаларни очиши мумкин – мисол учун компьютерни. Узук хафсиз холда кредит картадаги маълумотларни сақлаши, машина ва уй калитлари, офисга кириш учун керак бўладиган

карточкани ўрнида фойдаланиши мумкин. Калин ичидан чип жойлашган бўлиб, у ерда маълумотлар сақланади ва биометрик датчик жойлашган. Биометрик датчик узукни ишга тушуриш учун бармоқ изларини аниқлайди. Алоҳида жойлашган оптик датчик узукни ёқиб, у эгаси қўлига тақилганини аниқлайди. Бу датчик туфайли, аксессуар йўқолганда пул ёки ахборот ўғирланиши тўғрисида қайғурмасам ҳам бўлади. Яқинда “Алфа-Банк” блоггерлар, журналистлар ва ВИП-мижозлар учун махсус тўлов узукни тақдим этди. Алоҳида Конфедерациялар кубоги учун, банк Виса билан ҳамкорликда NFC технологияси мавжуд бўлган антеннали узук яратишди. Бу узук ёрдамида, қаерда алоқасиз тўловлар қабул қилинса барчасида фойдаланиш мумкин. Бу тўлов узуклари “Алфа-Банк”нинг олдиндан тўланган карталарига боғлаб қўйилган.



### **3.2.3-расм. Узук орқали тўлов.**

#### **Билакузук орқали тўлов:**

Тадбирларда кўпинча карталар ўрнига, олиб юришга қулай бўлган ва оқшом, ичимлик ва сувенирлар сотиб олишга ёрдам берадиган тўлов билакузукларини ишлатишади. 2016-йил июл ойида “Алфа-Банк” томонидан ташкил этилган Россиянинг Алфа Футуре Пеопле тадбирида, биринчи бўлиб Мастеркарднинг алоқасиз тўлов функциясига эга бўлган браслетлар тақдим этилди. Бу тўлов турлари ёпиқ майдонда ўтказиладиган катта тадбирлар учун қулай ҳисоб

ланади. Лекин кейинчалик бунни оммалашини қийин масала – смартфонга қар  
аганда браслетни уйда қолдириш анча осон, биометрик сканерлаш учун эса к  
ўшимча нарсалар керак эмас.



### **3.2.4- расм. Билакузук орқали тўлов. Бошқа аксессуарлар орқали тўлов:**

Тақиб юриладиган қурилмалар деганда одатда қўлга кийиладиган “ақлли” соа  
тлар, билакузуклар ва бошқа нарсалар тушунилади. Аслини олганда эса бунак  
а тўлов воситалари анчагина кўп. Бунга энг яхши мисол сифатида – қўлида Н  
ФС-чиплари ўрнатилган Лйле & Ссотт бПай Жаскет курткаларини мисол қил  
иш мумкин. Чипни бПай-аккаунтига улаб қўл билан бир пастда тўловни амал  
га ошириш мумкин. Бу йўналишда Барслайсард хизмати ҳам фаол ишляпти.  
У бир нечта алоқасиз тўлов қилиши мумкин бўлган қурилмалар устида иш ол  
иб боряпти. Билакузукларда ташқари яна бошқа НФС технологиялари бўлган  
нарсалар бор – мисол учун, калит учун илгич, телефон учун ёпиштиргичлар в  
а соат камарчасига тақса бўладиган тўлов қилиш имконияти йўқ, аммо ақлли  
махсус арқончалар шулар жумласидандир. Албатта, исталган технологиянинг  
оммавий бўлиши учун маълум бир вақт керак бўлади. Алоқасиз тўловлар ҳал  
и ҳамон кўпчилик томонидан ишончсизлик билан қабул қилинаётган бўлсада,  
биометрик маълумотлар ва ақлли ускуналар орқали тўловлар – бу нафақат ча  
кана савдодаги революцион ўзгаиришлар, балким харидорлар учун қулай ва х  
авфсиз тўловлар томон улкан қадам бўлиб хизмат қилмоқда.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Банклар томонидан мижозларга кўрсатилаётган хизматлар асосан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шаклида амалга оширилади. Нақд пулсиз ҳисоб китобларни тўғри юритилмаслиги ёки аниқлик даражасининг камайиши банклар томонидан мижозларга кўрсатилаётган банк хизматларини ҳам етарли даражада амалга оширилмаётганлигини билдиради. Ушбу ҳолат банкларга бўлган ишончнинг йўқолишига, банклардан мижозларнинг кетиб қолишига, корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ёмонлашишига ва бошқа салбий ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин.

Ҳозирги даврда нақд пулсиз ҳисоб-китоб китоблар иқтисодиётдаги бир қанча салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади. Масалан, мамлакат ҳудудларида назорат-касса машиналари ва ҳисоб-китоб терминаларидан фойдаланмаслик, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидан нақд пул маблағлари тушиши даражасининг пастлиги натижасида даромадларнинг катта қисми банкдан ташқари муомалага чиқиб кетаётганлиги сабабли аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида носоғлом муҳитни вужудга келтиради, давлат бюджетига тушумларнинг камайиши кузатилади. Шунинг учун мамлакатимизда ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Лекин иккинчи томондан нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг яна бир жиҳати шундаки чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари томонидан сотилаётган товарлар ва кўрсатилаётган хизматлар учун нақд пул ёки пластик карточкалар орқали тўлов шаклига қараб нархларни сунъий равишда ошириш ҳолатларининг кузатилишидир. Республикаимизда бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун энг кам иш ҳақининг 30 баробари миқдорида жарима қўлланиши каби чоралар қўлланилади.

Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари – бу мижознинг масофадан берган топшириқларига асосан(банкка келмасдан) банк хизматларини тақдим этиш технологияларидир. Асосан компьютер ва телефон тармоқлари орқали амалга оширилади.

Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларининг турлари:

Банк-Мижоз – бу компьютер орқали амалга ошириладиган тизим бўлиб, бунда мижознинг компютерига махсус дастур ўрнатилади. Ушбу дастур компютерда барча мижоз маълумотларни сақлайди (асосан тўлов ҳужжатлар ва ҳисобварақлардан кўчирмалар). Банк ва мижознинг компютери ўртасида модем орқали тўғридан-тўғри алоқа амалга оширилади.

Интернет-банкнинг – бу мижозларнинг депозит ҳисобварақларини, жумладан пластик карталарга очилган ҳисобқарақларини, интернет орқали бошқариш ҳуқуқини берувчи тизимдир. Бу хизмат тури мижознинг масофадан банк билан боғланган ҳолда реал вақт давомида тўловларни ўтказиш учун мўлжалланган тизимдир. Фойдаланувчи тизимга веб-браузер орқали қиради. Интернет-банкнинг тизими банкнинг веб-серверда жойлаштирилади. Фойдаланувчи банкнинг веб-сайтида барча ўз маълумотлари (тўлов ҳужжатлар ва ҳисобварақлардан кўчирмалар)ни кўриб чиқиш имкониятига эга.

Интернет-банкнинг хизмати орқали мижоз ўз иш жойида ёки бошқа ўзига қулай шароитда:

- тўловларни ўтказиш;
- тўлов ўтиши босқичларини кузатиш;
- барча ҳисоботларни олиш каби барча амалиётларидан исталган вақтда фойдаланиш имкониятини яратади.

Интернет-банкнинг орқали мижоз ўз иш жойидан интернет орқали банк сайтига уланиб ўз ҳисоб рақамига тушаётган пулларни кўриши, пул ўтказмаларини тайёрлаб банкга узатиши мумкин бўлади.

Мобил банкнинг тизими интернет-банкнинг технологияси асосида яратилади.

СМС-банкнинг –бу банк мижозларга уларнинг депозит ҳисобварақларидаги ҳамда пластик карталарга очилган ҳисобқарақларидаги операциялар ҳақида СМС кўринишдаги маълумотларни олиш тизимидир. Ҳисобварағидан маълумот олиш учун мижоз банкнинг махсус телефон рақамига белгиланган СМС-сўровни юбориш керак.

Мижоз учун СМС-банкнинг хизмати қуйидаги амалларни бажариш имкониятларини берилади:

- ҳисобварағига келиб тушган маблағлар;
- ҳисобварағидан қилинган харажатлар;
- ҳисобварақ баланси;
- кун давомида ўтказилган банк операциялари ҳақида оператив маълумот олиш.

**Мавзунини ўрганиш ва амалиёт объектидаги муомалаларни таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:**

“Hamkorbank” АТБнинг юридик шахс ва яка тартибдаги тадбиркор мақомига эга бўлган мижозларининг 90-95% Банк- мижоз, интернет-банкнинг, Мобил-банкнинг ва СМС-банкнинг каби масофадан хизмат курсатиш тизимига уланган.

Банк пластик карталарини олишни хоҳлаган жисмоний шахслар банкга келиб ариза тулдирган кундан уч банк иш куни давомида уз банк пластик карталарини олишлари мумкин. Банк пластик карталари мижозларга беш йил муддатга берилади. Банк ходими мижоз паспорт маълумотларини ягона

умумреспублика процессинг маркази базасига киритади. Марказ берилган малумотларга асосан уч банк иш кунида миждозга ҳисобрақам очиб, ҳисоб рақам маълумотларини банкка жўнатади. Бу жуда узоқ муддат. Халигача чакана савдо ва хизмат курсатиш соҳасида фаолият юритаётган хужалик юритивчи субъектларда терминаллар етишмовчилигини кузатиш мумкин. Бу ҳолат аҳолининг нақд пулга бўлган талабини оширмоқда. Натижада банкоматлар орқали катта миждордаги нақд пуллар банклардан олиб чиқиб кетилмоқда. Оқибатда нақд пулли ҳисоб-китоб ривожланиб, нақд пуллар банклар орқали айланиши пасайишини кузатиш мумкин.

**Банклар ушбу ҳолатларни олдини олиш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:**

Аввало ягона умумреспублика процессинг маркази техник базасини замон талаблари даражасига чиқариш ва ходимлар малакасини оширишни таклиф қиламан. Марказ миждоз ҳисобрақамини уч банк иш кунида эмас, санокли дақиқаларда, узоғи билан беш дақиқада банкка юбориши керак. Банк ходими миждоз ҳоҳишига кўра, пластик карта олишни ҳоҳлаган миждозга банк тарифи бўйича пластик карта бериши ёки очилган ҳисоб рақамни миждоз телефон рақамига улаган ҳолда ҳисоб рақам маълумотларини бепул тарзда бериши керак.

Бу ҳисобрақам муддати чекланмаган муддатга бериши керак. Миждоз бу ҳисобрақамни телефонига урнатилган мобил-банкнинг ёки компьютерга ўрнатилган интернет-банкнинг тизимлари орқали тўлиқ бошқариши мумкин бўлади. Шу билан биргаликда чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг терминал ҳисобрақамини соддалаштирилган махсус ҳисобрақамга боғлаш керак. Бу махсус ҳисобрақам миждозларнинг электрон тўлови учун қулай ва тадбиркор телефонига смс-банкнинг тизимига уланган бўлиши керак. Бу тизим ҳам тадбиркорларга бепул амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Миждоз харид қилиб олинган товар ҳақини мобил-банкнинг тизими орқали тадбиркорни

махсус ҳисобрақамига электрон тарзда тўлаши керак. Агар бу тизимни амалга оширадиган бўлсак, жисмоний шахсларнинг банк пластик карталарини йўқолиши, қулфланиб қолиши, ишдан чиқиши ва муддати тугаб қолиши ҳамда тадбиркорларни терминал ва касса аппарати сотиб олиш учун сарфланадиган маблағларни тежаб, айланма маблағ қисқариши каби муаммоларни ҳал этиш мумкин. Энг аввало аҳоли ўртасида нақд пулга бўлган эҳтиёж қисқариб, нақд пулсиз ҳисоб-китоб ривожланишини кузатиш мумкин.

Бу тизим солиқ нуқтаи назаридан ҳам мақбул ечим ўйлаймиз.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» қонуни 154-сон 21 декабр 1995 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» қонуни 216-сон 26 апрел 1996 йил
3. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида» қонуни 541-сон 13 декабр 2005 йил
4. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида» қонуни 256-сон 11 декабр 2003 йил қонуни
5. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги қонуни №404. 2016 йил 30 март.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги қонуни №404. 2016 йил 30 март.
7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 3 сентябрда 1270-сон билан рўйхатга олинган “Банкларнинг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботи тўғрисида”ги низом.
8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 21 январда 1300-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида грантларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги низом.
9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 21 январда 1301-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида молиявий ҳисоботларидаги хатоларни тузатиш тартиби тўғрисида”ги низом.
10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 30 январда 1306-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида”ги низом.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 30 ноябрда 1528-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида” низом.
12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 24 июлда 1602-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари”.
13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 27 декабрда 1648-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида” низом.
14. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарорига 3-илова “Тижорат банклари томонидан Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармасини шакллантириш тартиби тўғрисида”ги низом.
15. Ўзбекистон Республикаси “Электрон тўловлар тўғрисида”ги Қонуни (16.12.2005 й., № ЎРҚ-13).
16. “Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом (14.02.2006 й., № 1545).
17. Адлия вазирлигида 2008 йил 11 июлда 1834-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома
18. Адлия вазирлигида 2013 йил 3 июнда 2465-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги низом

19. Адлия вазирлигида 2012 йил 15 мартда 2342-сон билан рўйхатга олинган “Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома
20. Адлия вазирлигида 2010 йил 19 ноябрда 2155-сон билан рўйхатга олинган “Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисида” низом
21. Адлия вазирлигида 2005 йил 18 апрелда 1470-сон билан рўйхатга олинган “Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги низом
22. Адлия вазирлигида 2004 йил 30 апрелда 1344-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисида Низом”
23. Адлия вазирлигида 2017 йил 4 сентябрда 1850-сон билан рўйхатга олинган “Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” низом.

### **Асосий адабиётлар**

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқат ва инсон манфатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. Т.: Маънавият, 2017 йил.
2. Ф.Т.Абдувахидов. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби: Ўқув қўлланма. -Т.: 2010, -164 бет.
3. Темиров А.А. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва оператив техника.

Т.: ТДИУ 2010 йил., 192 бет.

4. Абдуваҳидов Ф. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби./ Ўқув қўлланма. –Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2013 й. 282 бет.
5. Наврўзова К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2014 йил, 280 бет.
6. Наврўзова К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2015 йил, 280 бет.
7. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнал. –Т.: 2016-2017 йиллар
8. «Бозор, пул ва кредит» журнал. –Т.: 2016-2017 йиллар
9. Банк ахборотномаси. Газетаси. 2016-2017 йиллар

### **Интернет сайтлари**

1. [www. Cbu.uz](http://www.Cbu.uz)
2. [www. bux.uz](http://www. bux.uz)
3. [www.bem.uz](http://www.bem.uz)
4. [www.Hamkorbank.uz](http://www.Hamkorbank.uz)
5. [www. norma.uz](http://www. norma.uz)
6. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
7. [www.bfa.uz](http://www.bfa.uz)